



# Ashonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqa boshlagan

2010-yil 19-avgust № 99 (2824) payshanba

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори**  
**Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонлини муносабати билан дам олиш кунларини кўчириш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги нишонлини муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2010 йил 28 август шанба ва 29 август якшанба дам олиш кунлари 2010 йил 30 август душанба ва 31 август сешанба кунларига кўчирилсин.

28 август шанба ва 29 август якшанба кунлари иш кунлари деб эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**


Тошкент шаҳри,  
2010 йил 18 август



Оролбўйи фермерлари ҳам пахта ҳосилига ҳосил кўшадиган август ойида ҳар бир кунни ғанимат билиб, агротехник тадбирларни кечиктирмай бажаришга ҳаракат қилмоқда.

Тахтакўпир туманидаги «Тайимбет» фермер хўжалиги жамоаси юз гектар майдондаги ғўза қатор ораларига ишлов бериш, суғориш, озиклантириш, чилпиш ишларини уюшқоқлик билан амалга ошираётир. Хўжалик аъзолари, шунингдек, 130 гектар майдонга кузги бугдой экишга ҳам қизгин ҳозирлик кўраётир.

Суратда: «Тайимбет» фермер хўжалиги раҳбари Сарсенбой Сейтназаров фермер хўжалиги ишчилари билан. Арслон КАННАЗАРОВ (ЎЗА) олган сурат



**Сингапур — 2010**

Хабарингиз бор, Сингапурда ўсмирлар ўртасида ўтказилаётган биринчи Олимпия ўйинларида спортнинг юнон-рум кураши бўйича ҳамюртларимиз Нурбек Хаққулов (кумуш) ва Руслан Комилов (бронза) терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медалларни тақдим этган эди.



## Ҳозирча тўртта медал

Шундан сўнг, қизлар ўртасидаги баҳсларда Нилуфар Гадоева гуамлик Арианна Эстакуио, жазоирлик Сабина Аззоуз ва вьетнамлик Тхи Кьунх Дием Нгуенни бир хил – 4:0 ҳисобида енгиб, учинчи (бронза) медал соҳибаси бўлди. Кунни кеча яна бир умидли спортчимиз Диёрбек Эргашев ҳамюртларимиз муваффақиятини давом эттириб, навбатдаги медални қўлга киритди. У эркин кураш бўйича 76 килограмм вазн тоифасида гиламга чиқиб, гуруҳ босқичидаги уч баҳсдан иккитасида белоруслик Александр Хуш-

тюн ва Канада вакили Вебб Далтондан устун келди. Учинчи ўрин учун кечган ҳал қилувчи беллашувда Диёрбек мисрлик Али Амирни 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратди ва бронза медали эгасига айланди.

Шундай қилиб, Сингапур Олимпиадасида иштирок этган тўрт нафар курашчимизнинг барчаси терма жамоамиз ҳисобига медал кўшди. Олимпия ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобида ҳозирча тўртта – битта кумуш ва учта бронза медал мавжуд.

## Саҳифаларимизда

● **Муаммолар ечими – ҳамжиҳатликда** ●

ЎзКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон Курилиш ва курилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмасининг VI қурултойи бўлиб ўтди.

4-5 бетлар

● **Ўзлигимиз, ор-номусимиз кўзгуси** ●

Либос ҳар бир миллат маданиятининг ўзига хос белгиси, маънавият тимсоли, қадриятнинг бир кўринишидир. Қадимдан инсон қайси миллатга мансуб эканини, биринчи навбатда, кийимига қараб билишган. Ҳар бир миллат ўзига хос кийиниш маданиятига эга.

10-11 бетлар

● **Фолга ишонманг, аммо...** ●

Олимларнинг фикрича, кафтимиздаги чизиклар ҳаётимизда рўй берадиган воқеалар билан боғлиқ экан. Тиббиёт ходимларига бу чизиклар соғлигимизни белгилаб берадиган маълумот вазифасини ўтайди. Бунинг учун уларни «ўқиш»ни билиш керак. Лекин бу сирни қандай билиш мумкин?

12-бет

«Сариосиё-Дон» масъулияти чекланган жамияти шу кунга қадар сариосиёлик ва узунлик галлакорлар етиштирган донни қабул қилиб, саноат корхоналарига жўнатар эди. Иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор туфайли кулай шарт-шароит вужудга келди. Бу ҳақда жамият раиси Дўстмурод Нурматов шундай дейди:

— Ҳамкоримиз «Мерсервис» МЧЖ

орқали Украинада ишлаб чиқарилган, бир суткада 15 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга тегирмон ўрнатдик. Бу ерда бош тегирмончи Баҳодир Бобоқулов билан бирга 15 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Шунингдек, «Дон маҳсулотлари — пластик»

масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда Германияда ишлаб чиқарилган 25 турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган цехни ишга туширдик. Бу ерда бир кеча-кундузда 1,5 тонна унни нон қилиб сотувга чиқараяп-

## Тегирмон, ун ва нон

миз. Келгусида ушбу цехда 3 навбатда иш ташкил этилади. Бу 10 та янги иш ўрни яратилади деганидир.

Жамият аъзолари Хитойдан 7 бош, Полшадан 3 бош «Голштейн» зотли ҳамда Кумқўрғон туманидаги Раҳимдин Шаропов бошчилик

### Модернизация

қилаётган «Чорвадор» фермер хўжалигидан харид қилинган 18 бош зотли қорамолни парвариш қилмоқда. Бундан кўзда тутилган мақсад зотли моллар сонини кўпайтириб, сут ва гўшт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни қондиришдир. Шунингдек, 2000 тонна уруғлик бугдой сақланган омбор қурилмоқда. Бунёдкорлик ишлари учун соф фойда ҳисобидан 142 млн. сўм ажратилган. Шу йилнинг охиригача техника ва технологик жиҳатдан жаҳон андозлари қаторидан жой олган замонавий қандалат цехи қуриб битказилади. Натижада 14 киши ишли бўлиб, 20 га яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ishonch» мухбири

### Қашқадарё томонларда

## Чирой очаётган қишлоқлар

Қарши туманидаги Мирмирон қишлоғида соҳибқирон Амир Темурнинг пирларидан бири Шайх Шамсиддин Кулол ва унинг авлодлари таваллуд топган. Урта асрларда гуллаб-яшнаган бу тарихий маскан мустақиллик йилларига келиб, янгича қиёфа касб этди.

— Улуғ пирнинг киндик қони томган кўхна гўша тобора чирой очиб бормоқда, — дейди туман ҳокими ўринбосари Шамсиддин Қодиров. — Мазкур ҳудудда 120 хонадонга мўлжалланган 38 та икки қаватли, 44 та бир қаватли янги турар-жойлар қад ростлади.

Умумий тендер қиймати 7 млрд. 412 млн. сўм бўлган янги уйларни вилоятдаги йигирмадан ортиқ қурилиш ташкилоти барпо этди. 11,3 гектар майдонни эгаллаган катта массив электр энергияси, сифатли ичимлик суви, табиий газ билан тўлиқ таъминланган. Бу ерда маданий-маиший хизмат кўрсатиш, савдо шохобчалари, спорт майдончалари, мактаб, болалар боғчаси ва тиббиёт масканлари қад кўтарди.

\*\*\*

Қашқадарё вилоятининг Дарча, Қорақўтон, Потрон, Тўқмор, Хўжа Хайрон, Уйғур, Бештерақ қишлоқларидаги мактабларда спорт иншоотлари қурилмоқда.

Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳрининг Қўшқовуз маҳалласидаги 92-мактабда спорт зали, Қаршида 1-музыка ва санъат мактабининг янги биноси қад кўтаряпти. Вилоят марказидаги ногиронлар марказининг сузиш ҳавзаси капитал таъмирланаётган бўлса, Яққабоб, Қарши туманларидаги музыка ва санъат мактаблари ҳам ўзгача қиёфа касб этмоқда.

\*\*\*

— Тоғлар бағридаги Етимқудуқ қишлоғи йил сайин обод бўлиб бормоқда, — дейди халқ депутатлари Деҳқонобод туман кенгаши депутати, 30-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Турдикул Маманов. — Депутатлар ташаббуси билан ҳудудда газ, сув, электр энергияси ва бандлик масалалари оқилона ҳал этиляпти.

Туман марказидан 8,8 километр масофада жойлашган қишлоққа табиий газ қувури тортиш бошланди. Бу иш «Ўзтрансгаз» акционерлик компаниясининг «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси, ҳомийлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга ошириляпти.

Етимқудуқ ва Хўжақудуқ қишлоқлари орасидаги 7 километрлик йўлни қайта таъмирлашга киришилди.

Белгиланган дастурга мувофиқ қишлоқда аҳолига маданий-маиший, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари очилади.

«Маҳалла» жамғармаси томонидан тумандаги Деҳқонобод, Бибиқорасоч, Қўрғонтош, Гумбулоқ қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари 11 млн. 65 минг сўмлик замонавий меҳнат жўҳозлари ва компьютер жамланмалари билан таъминланди.

Бешбулоқ қишлоғидаги «Самадов Бахтиёр Равшанович» фирмаси тадбиркорлари тоғдан олиб келинган тошдан замонавий технологияда деворбоп сифатли пилта тайёрламоқда.

Қишлоқда бир кеча-кундузда 2 мингта нон ва қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган корхона қуриляпти.

Иzzат ҲИКМАТОВ,  
«Ishonch»нинг жамоатчи мухбири

### Хушxabар

Сардоба, Боёвут, Сирдарё туманларидаги Наврўз, Деҳқонобод, Пахтазор маҳаллаларида қурилган 60 та намунавий уйга қувурлар тортилиб, аҳоли тоза сув билан таъминланди.

## «Сувдек серб бўлинг»

Ховос туманидаги Чамбил, Гулистон туманидаги Ишонч, Улуғбек, Мирзаобод туманидаги Чинобод, Ойдин, Пахтакор, Оқолтин туманидаги Бўстон маҳаллаларида сув қувурлари ва қудуқлар, Оқолтин туманидаги Бўстон қишлоғида сув сақлаш иншооти таъмирдан чиқарилди. Гулистон, Янгиер, Ширин шаҳарларидаги сув тармоқлари реконструкция қилиниб, янги насослар ва ускуналар ўрнатилди. Шу тариқа 23205 кишининг тоза сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди.

Анорбой НОРҚУЛОВ,  
«Ishonch»нинг  
жамоатчи мухбири

### 2010 йил — Баркамол авлод йили



## Ёшларга ғамхўрлик

Ўзбекистон темирйўлларига қарашли «Ўзтемирйўлконтейнер» ОАЖ касаб уюшма қўмитаси хайрли ишларга ҳамisha камарбаста. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилаётган тадбирлар ҳам айни шу эзгуликларнинг бир қисми, холос.

— Кам таъминланган оилаларга мунтазам моддий ёрдам бериб келаяпмиз, — дейди корхона касаб уюшма қўмитаси раиси А.Ниғманов. — Шунингдек, ёш ишчиларимиздан 50 нафарини Хива ва Бухоро шаҳарларига саёҳатга олиб бордик. Ишчи-хизматчиларимизнинг соғлигини таъминлаш мақсадида 4,9 млн. сўмлик спорт ан-

жомлари сотиб олинди. 40 нафар болажонга тарқатилган оромгоҳ йўлланмаси ўзига хос совға бўлди.

Яқинда маъмурият ва касаб уюшма қўмитаси маблағи ҳисобидан Тошкентдаги йўл болалар шифохонасига рангли телевизор ва видеоаппаратура совға қилинди.

— Бизнинг шифохонамизда 2009 йилда 2301 нафар, жорий йилнинг ўтган даврида 1100 нафардан ортиқ темирйўлчининг фарзанди даволанди, — дейди бош шифокор Ахбор Алимов. — «Ўзтемирйўлконтейнер» ОАЖ маъмурияти ва касаб уюшма қўмитасига болаларга кўрсатган ёрдами учун ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Адхам ДАМИНОВ

### Ташаббускор фахрийлар

## Шукроналик ҳисси

Инсон меҳнати, эзгу амаллари билан ном қозонади. Зеро, бу дунёда одамийлик ҳамisha кадр-қиммат, эътибор топган. Ниманидир яратиш, ўстириш, барпо этиш учун эзгу тилак, мақсад бўлса кифоя...

Умримнинг асосий қисмини ёш авлод тарбиясига бағишладим. Кўп йиллар туманимиздаги 19-мактабда муаллимлик қилдим. Шарафли касбим мени элга танитди, обрў-эътибор орттирдим. Ҳозир нафақада қарилик гаштини сураяпман. Асосий машғулотим — томорқа юмушлари.

Томорқа рўзгорга кут-баракати кирилади. 15 сотих еримиздан оқилона фойдаланамиз. Хар йили шу томорқа уч-тўрт млн. соф даромад келтиради. Бу йил ҳам 5 сотих ерга эртаги картошка уруғини қадагандик. 2 тоннага

яқин ҳосил йиғиштириб олдик. 8 сотих сабзимиз ҳосилдорлиги 1,5 тоннани ташкил этди. Шунингдек, томорқанинг бир четига малина, смородина эканмиз. 80 тупга яқин аноримиз ҳам ҳосилга кирган. Рўзгор учун барча зираворларни ўзимиз етиштирамиз. Ўзингдан чиққанга не етсин.


Жаннатмакон юртимизда ишлаган ҳеч кам бўлган эмас. Шундай экан, имкониятлардан унумли фойдаланайлик.

Эркин МАЪРУПОВ,  
Жомбой тумани

Умримнинг кўп қисми касаб уюшма тизимида ўтди. Бугун нафақадаман. Бекордан худобезор, деганлар. «Хадичабону» миллий хунармандчилик фирмасини очиб, гузаримиз марказида пойабзал устахонаси, сартарошхона, рассомчилик, каштачилик, зардўзликни йўлга қўйдик.

Касаначилик ва миллий хунармандчилик жонлангани туфайли 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Келгусида имкониятларимизни янада кенгайтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Даврон ВОХИДОВ,  
Қизилтепа тумани



## Тиббиёт аҳлига ғамхўрлик

Таҳлилларга кўра, ходимларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишнинг асосий омили бўлган жамоа шартномаси тузиш, тўлиқ бажарилишига эришиш борасида соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши фаолиятида ўсиш кузатилди. Жумладан, 2005 йилда 178 та юридик шахс мақомига эга бўлган соғлиқни сақлаш муассасасида 97 та жамоа шартномаси қабул қилинган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг 1 июн ҳолатида 118 тани ташкил этди. Бундан ташқари, вилоят миқёсида битта ҳудудий тармоқ келишуви имзоланди.

Қабул қилинган жамоа шартномалари ва ҳудудий тармоқ келишувлари меҳнат жамоаларида ва раёсат йиғилишларида атрофича муҳокама этилиб, тегишли тартибда ўзгартириш ҳамда қўшимча бандлар киритиб борилди.

Жамоа шартномаси тadbирларини бажариш учун ви-

лоят бўйича ўрта ҳисобда ҳар бир ходимга сарфланган маблағ 2005 йилда 30302 сўмдан 2010 йилда 124271 сўмгача ортди.

Тиббиёт коллежларида таълим олаётган кам таъминланган, жамоатчи, иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят кенгаши томонидан махсус устама стипендиялар жорий этилган.

Вилоят кенгашининг меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассиси ва қўйи касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнат муҳофазаси бўйича 2004 йилдан жорий йилнинг июн ойигача 103 та соғлиқни сақлаш муассасалари фаолияти ўрганилиб, 1360 та ҳолатда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун, қоида ва меъёрларнинг бузилиши аниқланди ҳамда ташкилот раҳбарларига кўрсатма, тавсиянома, тақдирномалар киритилди.

«Меҳнат муҳофазасининг жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этиш бўйича» республика кўрик-танлови ви-

лоят босқичи ўз вақтида ўтказилиб, бунинг ижобий самараси ҳам кўзга ташланди. Яъни, касаба уюшма фаолларининг ишлари жонланди, бахтсиз ҳодисалар сони сезиларли даражада камайди. 2007-2009 йиллар якуни бўйича, Марказий кенгаш раёсатининг қарорига кўра, Республика акушер-гинекология илмий текшириш институтининг Қарши филиали юқорида тилга олинган кўриктанлов голиби бўлди.

Тармоқ ходимлари ўртасидаги спорт тadbирлари анъанавий тарзда ўтказиб келин-

моқда.

«Конституциямиз — бахтимиз пойдевори», «Сен ўз тарихингни биласанми?», «Асосий қонун сабоқлари», «Диний ақидапарастлик, гиёҳвандлик, ОИТСга қарши кураш — давр талаби», «Халқаро терроризм — инсониятга қарши таҳдид» мавзуларидаги тadbирлар, «Ҳамшира» кўрик-танлови вилоятдаги деярли ҳар бир туман, шаҳар тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси ва маъмурияти ҳамкорлигида ташкил этилди. Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлиги ошириб борилмоқда.

Шунингдек, саломатлик посбонлари ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш борасидаги ишлар кўлами ҳам йилдан-йилга кенгайиб бора-япти.

**Карим ХОЖАМОВ,**  
Соғлиқни сақлаш  
ходимлари касаба  
уюшмаси Қашқадарё  
вилоят кенгашининг  
ташкилий бўлим мудир

## Аҳоли мамнун

**Деҳқонобод тумани кўп тармоқли Марказий поликлиникаси шу йилнинг баҳорида, Наврўз арафасида фойдаланишга топширилганди.**

499 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари олиб борилган ушбу маскан Деҳқонобод халқига истиқлол туҳфаси бўлди. Поликлиникага вилоят ҳокимлиги томонидан 30 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидан эса 32 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар берилганлиги унинг салоҳияти анча юқориликдан далолат. «Саломатлик — 2» лойиҳаси бўйича яна бир неча хил лаборатория жиҳозлари олиб келиниши кутилмоқда.

Илгари оддийгина ЭКГ текшируви учун марказга бориб келишга мажбур бўладиган аҳолининг бугун узоғи яқин бўлган.

20 нафар врач, 66 нафар ўрта тиббиёт ходими ва 20 нафар бошқа ходимлар замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида даволаш ва профилактика ишларини олиб бормоқда.

— Тумандаги 12089 кишига тиббий хизмат кўрсатамиз,

— деди бош врач Хонзода Бекпўлатова. — Тажрибали жарроҳ Нормўмин Бекпўлатов, психиатр Чўтбой Қурбоннов, педиатр Ибрагим Зоиров, терапевт Анвар Примов каби мутахассисларимиздан аҳоли мамнун.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«Ishonch» мухбири



**Б**угун ёшлар, айниқса, вояга етмаганлар билан ишлашда янгича ёндашув талаб этилмоқда. Бу борада ҳокимликлар қошида ташкил этилган комиссияси фаолияти эътирофга лойиқ. Мазкур комиссия зиммасида вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларни назоратсиз, қаровисиз қолишига йўл қўймаслик, содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, бартараф этишни амалга оширишдек муҳим вазифалар турибди.

Иш режаси асосан ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилгани бежиз эмас. Вояга етмаганларнинг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган, ногирон болаларнинг ёзги таътил даврида оромгоҳларда дам олишлари учун зарур шарт-шароит яратиш доимий диққат-эътиборда бўлаётгани ўз самарасини бермоқда.

Жорий йилда 16 та шаҳардан ташқари, 35 та мактаблар қошидаги оромгоҳларда жами 7700 нафар ўқувчини соғломлаштириш кўзда тутилган. Ҳозиргача етти мингдан кўпроқ болажон мириқиб ҳордиқ чиқарди.

Кам таъминланган, моддий ёрдамга муҳтож оила фарзандларидан 320 нафар, махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларидан 50 нафари касаба уюшма маблағлари ҳисобидан бепул соғломлаштирилди. Шу мақсадга сарфланган харажат 23,3 млн. сўмни ташкил этди.

Айтиш жоизки, мавсум олтидан

барча оромгоҳлар тўлиқ таъмирланди. Ҳар бир оромгоҳ қошидаги маънавий ва маърифат хоналарига етарли китоб олинди.

Энг аввало, болалар хавфсизлигини таъминлаш, сифатли озиқ-овқат ва етарли дори-дармон таъминоти, санитария-гигиена талабларига риоя этилишига жиддий эътибор қаратилди. Белгиланган дастур асосида маданий-маърифий кўнгилочар тadbирлар, спорт мусобақалари мунтазам ташкил этилди.

қурилиши лойиҳалаштирилаётгани кўнгилга таскин беради.

Қишлоқ жойлардаги клуб муассасалари фаолияти яхшиланмоқда. Мавжуд 508 та клуб тузилмасининг 370 таси бевосита ёшлар учун хизмат қилаяпти. Клублар фаолиятдан 5200 нафар йигит-қиз фойдаланмоқда.

Ёш истеъдодларга мўлжалланган «Ниҳол», «Ягонасан, муқаддас Ватан!» деб номланган болалардан таркиб топган ансамбл ва бадий ҳаваскорлик, хор жамоаларининг кўрик-танлови янги

«Ёз — 2010» икки босқичли спорт мусобақаларига 1995—1997 йилларда туғилган умумтаълим мактаблари ўқувчилари жалб этилиб, бунинг учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳисобидан 5,2 млн. сўм маблағ сарфланди.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Болалар меҳнати, ай-

ниқса, унинг оғир шакллари тақиклаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш масаласи ўз ечимини топиши учун халқаро Меҳнат ташкилотининг 138-, 182-сонли Конвенцияларига биноан ишга қабул қилишда энг кичик ёшга риоя этиш юзасидан жамоа шарт-

номалари ва жамоа келишувларида аниқ мақсадга йўналтирилган бандлар киритилишига эришилмоқда.

Бугун вилоятдаги корхона, ташкилот, муассасаларда 16 дан 18 ёшга қадар бўлган жами 11 нафар бола меҳнат шартномалари асосида ишга қабул қилинган. Улар Меҳнат кодексининг 249-моддаси ҳамда ҳудудий-тармоқ келишувлари ва жамоа шартномаларида белгиланган кўшимча имтиёزلардан фойдаланишмоқда.

**Нусратулло ПАРДАЕВ,**  
Жиззах вилоят ҳокимлиги  
хузуридаги вояга  
етмаганлар ишлари бўйича  
комиссия аъзоси,  
вилоят касаба уюшма  
ташкилотлари  
бирлашмаси кенгаши раиси

• 2010 йил — Баркамол авлод йили •

# Комилликка йўл

Ўғил-қизларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида ўнлаб бадий ижод, тикувчилик, мусиқа, спорт тўғрақларининг фаол қатнашчиси бўлишиди. Турли кўрик-танловлар ўтказилди. Табиат кучига саёҳатлар уюштирилиб, юртимизнинг бой наботот ва ҳайвонот олами билан таништирилди.

Оромгоҳларда 109 нафар тарбиячи, 101 нафар етакчи, 26 нафар врач, 26 нафар тиббий ҳамшира ва бошқа ходимлар сидқидилдан хизмат қилишмоқда.

Вилоятимизда 7—14 ёшли болалар 162 мингдан ортиқроқни ташкил этгани ҳолда 4,2 фоизинигина оромгоҳларга жалб этиш имконияти мавжудлиги бизни ҳеч ҳам қониқтирмайди. Бахмал, Зомин каби тоғолди туманлари ҳудудида яна 20 та оромгоҳ

истеъдодларни кашф этди. Биргина «Ниҳол — 2010» ёш истеъдодлар кўриктанловида 580 бола қатнашди.

«Зебomхон», «Боғдон гуллари», «Гаштак», «Қамажой» фольклор-этнографик жамоалари, шунингдек, воҳамиздаги яна кўплаб истеъдод эгалари шаҳар ва туманларда ўтказилаётган «Шанба оқшомлари» концерт дастурларида чиқишлар қилишяпти.

Чека ва олис қишлоқ болаларини спортга жалб этишга эътибор ортди. Вояга етмаганлар ўртасида жойларда ўтказилган 75 та оммавий спорт тadbирларида 3500 нафар ўғил-қиз қамраб олинди. Вояга етмаганлар ўртасида стол тенниси, кураш, волейбол, мини-футбол, баскетбол, қўл тўпи, сузиш, енгил атлетика, Турон кураши мусобақалари фарзандларимиз қалбида спортга бўлган ҳавасни оширмоқда.

# Касаба уюшмалари

## Хисобот даврида


Хозирги кунда тармоқ Марказий кенгаши тасаруфидида 14 та вилоят вакиллиги бўлиб, 809 та бошланғич ташкилот ўз атрофига 78804 нафар аъзо-ни бирлаштирган.

Кишлоқ аҳоли яшаш жойларида 223 та ер массивида намунавий лойиҳалар бўйича 6800 та уй қурилиши амалга оширилди. Янги қишлоқ тураржой массивларига туташ 2139 км. узунликдаги ташқи муҳандислик тармоқлари ва коммуникацияларини қуриш ишлари ниҳоясига етди.

Қурилиш ва пардозлаш материаллари ишлаб чиқарувчи 116 та янги, шу жумладан, 25 та фишт ишлаб чиқарувчи корхона ишга туширилди.

Марказий кенгаш ижтимоий шерикчилик тамойилини амалга ошира бориб, республика ҳўжалик бошқарув органлари «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва «Ўзмонтажмахсуқурилиш» ассоциацияси билан имзоланган тармоқ келишувлари мажбуриятини жамоа шартномаларига киритилишига эришди.

Тармоқ келишувлари бажарилишига 2005-2007 йилларда корхоналар томонидан жами 17,1 миллиард сўм сарфланди. Ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва меҳнат манфаатларини ҳимоялаш даражаси деярли 2 баробар ошиб, 2008-2009 йилларда 33,4 миллиард сўм сарфланди.



## Муаммолар ечими — ҳамжиҳатликда

ЎзКУФК Ўқув марказида Ўзбекистон Қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмасининг VI қурултойи бўлиб ўтди.

Унда Марказий кенгаш раиси Ўктам Турғунов ўтган даврда бажарилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

— Тармоқ корхоналарида меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини жорий этиш ва меъёрлаштириш, иш ҳақидан қарздорликни бартраф этиш бўйича ижобий натижаларга эришилди, — деди Ў.Турғунов. — Касаба уюш-

маларининг ҳаракати билан 4,7 млрд. сўмдан зиёд иш ҳақидан қарздорлик тўланди.

Маърузачи, шунингдек, аъзолик афзаллиги, меҳнат муҳофазаси, бошланғич ташкилотлар фаоллигини ошириш, хотин-қизлар, ёшлар, ногирон ва меҳнат фахрийларига қўшимча имтиёзлар бериш, аҳолини иш билан таъминлаш каби долзарб вази-

фа, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида атрофлича сўз юритди.

Шундан сўнг тафтиш комиссиясининг ахбороти тингланди. Маърузалар юзасидан сўзга чиққан Марказий кенгашнинг Қашқадарё вилояти бўйича вакили Боймурод Мейлиев, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича вакили Клара Гаипова, Андижон ви-

лояти бўйича вакили Ўринбой Аҳмедов ва бошқалар беш йиллик фаолият юзасидан ижобий фикр билдирди. Ўктам Турғунов бир овоздан Марказий кенгаш раиси этиб сайланди.

Қурултойда ЎзКУФК раиси ўринбосари Нормамат Аллаёров иштирок этди ва истиқболдаги вазифалар ҳамда ҳал этилиши лозим бўлган ишларга эътиборни қаратди.

Ўз мухбиримиз



## Ҳамкорлик

Корхонамизнинг маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганига 47 йил бўляпти. Фахр билан айтиш мумкинки, бу давр мобайнида мамлакатимизда маҳсулотимиздан фойдаланмаган бирорта шаҳар ёки қишлоқ қолмади. Гарчи 2009 йилда лойиҳа қувватидан ўзиб, 243 млн. шартли плита шифер ишлаб чиқарган бўлсак-да, уларга бўлган эҳтиёж камайгани йўқ.

## Истиқболимиз кафолати

Хусусан, кейинги олти йил мобайнида жамоамизда катта ўзгаришлар рўй берди. Шифер ишлаб чиқарадиган линиялар такомиллаштирилди. Черипица ҳамда компрессор цехлари, қозонхоналар ишга тушди. Келажакни ўйлаб бошқа ишларга ҳам қўл урилди. Албатта, бу ўзгаришлар корхона ходимларини ижтимоий ҳимоялаш кучайгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Касаба уюшма кўмитаси билан ҳамкорлигимиз ижтимоий шерикчилик асосида йўлга қўйилганлиги ўз самарасини бермоқда. Жамоа шартномасини сўзсиз бажаришга эътибор кучайди. Жумладан, 2009 йилда биргина ижтимоий кафолатлар тўлови сметасига асосан ижтимоий ҳимояга 1 млрд. 281 млн. сўм маблағ сарфланди. Корхона ҳисобидидаги пенсионерларни ҳам моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кучайтирилди. Ўтган йили уларнинг нафақаларига корхона ҳисобидан 22,8 миллион сўм қўшимча тўланди. Ходимларни қайта ўқитиш ва малакасини оширишга алоҳида эътибор берилляпти.

Янги иш ўринлари очилмоқда. Юртбошимиз фармонида асосан 40 та касаначилик иш ўрни ташкил этилди. 2002 йилдан 2008 йилгача ҳар бир ходимга сарфланган харажат жамоа шартномаси бўйича 3-4 баробарга ортди.

Корхонамизда маданий-оммавий ва спорт ишлари ҳам жонланиб бормоқда. Касаба уюшма кўмитасининг ҳар бир саъй-ҳаракати ва ташаббусига ўз вақтида эътибор берамиз. Айниқса, корхона касаба уюшма кўмитасининг жаҳон асбестни ҳимоя қилувчилар сафидаги ўз ўрни эътиборга лойикдир. Шунингдек, атоқли шоир ва санъаткорлар билан учрашувлар, миллий ғоя ва миллий мафкура соҳасидаги тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Исмоил ИСМАТОВ,  
«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси

## Касб фидойиси

### «Дарахт бир жойда кўкаради»

дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Тоир Дадахонов

Қаноатли, садоқатли ва самимий инсон чинакам бахтлидир. Баъзан турмушимизда дуч келадиган муаммолар сабаби, аслида, қаноатсизлигимизда эканлигини тан олавермаймиз. Қаноатли киши ҳар қандай касбни ҳаёт мактабига айлантира олади.

Бугунги қаҳрамонимиз ҳам аини шу ҳислат соҳибидир.

«Бир неча йил аввал пенсияга чиқдим. Ижтимоий таъминот бўлимидагилар: Меҳнат дафтарчангизнинг варақлари бўм-бўш-ку! Фақат битта трестда ишлаганмисиз? — деб сўраганларида, дарахт бир жойда кўкаради, деб жавоб бердим», ҳикоя қилади у.

«Кўкариш» ҳам осон эмас. Бунинг учун киши қанча «тошларни кемириб, сувларни си-мириши»га тўғри келади.

Бир жамоада 37 йил меҳнат қилган Тоир ака ўз ҳаётидан ва ишидан ниҳоятда мамнун. Оддий ва самимий бу инсон билан суҳбатдан кишининг дили ёришади. Умр йўлдоши Фотима опа шаҳримизнинг Юнусобод туманидаги 47-боғчада мудира, қизлари Наргиза, Азиза ва Нодира онаси изидан бориб, педагог-лик касбини танлашган. Ўғли Дилшод эса ота касбини давом эттириш мақсадида лицейда таҳсил олмоқда.

— Учала қизим ҳам оилани. Куёвларимнинг иккитаси — Жаҳонгир ва Ҳакимжон қурилиш соҳасида ишлашади, — дейди Тоир ака. — Бир-биридан ширин олти нафар неварам бор. Улар қачондир биз бунёд этган иморатларни кўриб, «бунда бобомнинг ҳам

қўл излари бор» дея фахрланишларини кўз олдимга келтираман. Демак, умримиз беҳуда кетмабди...

Яхшидан боғ қолади, дейишади. Пойтахтимиздаги кўзга кўринган Олий Мажлис, Сенат биноси каби кўплаб иншоотларни бунёд этиш, таъмирлашда Тоир Дадахоновнинг ҳам ҳиссаси бор. Шунингдек, уни олижаноб устоз сифатида ҳам ҳурмат қилишади.

Бир неча йил муқаддам давлатимиз томонидан узоқ йиллик фидокорона меҳнати муносиб баҳоланиб, «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди. Фаолиятини давом эттираётган Тоир аканинг ҳали қиладиган ишлари, орзу-умидлари жуда кўп.

Ўз мухбиримиз

# ХОДИМЛАРНИНГ ҲАМКОРИ ВА ТАЯНЧИ

## ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

**Рағбат инсонни меҳнатга, янада шижоатли бўлишга ундайди. Шу боис ишчи-ходимлар ўртасида турли мусобақа, кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган.**

## Элнинг дуоси

Ёзинг дастлабки ойда «Энг яхши касб эгаси» танлови юқори савияда ўтказилди. Турли номинациялар бўйича голиб чиққан С.Теплакова, В.Масалцев ва А.Коротковларнинг ҳар бирига 1 000 000 сўм миқдорда пул мукофоти берилди. Иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари 750 000 ва 500 000 сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Ишчи-ходимларнинг фарзандлари ёз фаслини ҳар доим ўзгача иштиёқ билан кутишади. Шунинг учун ҳам барча қўлайликларни яратишга ҳаракат қиламиз. Улар ўртасида ўтказилган «Мен цементчи бўлар эдим» расмлар танловида голиб чиққанлар «ЕВРОЦЕМЕНТ групп» ЁХЖ сертификатлари билан тақдирланди ва Тошкент шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Шуни айтиш керакки, мавсумда фарзандларимизнинг 250 нафари «Автомобилчи» ва «Стрелцов» оромгоҳларида ўз соғлиғини тиклаб, мириқиб дам олди.

Касб байрами муносабати билан бўлим ва цех ишчи-ходимлари ўртасида мини-футбол, волейбол, арқон тортиш ва спортнинг бошқа турлари бўйича ўтказилган мусобақалар ҳам жамоада соғлом муҳитнинг шаклланишига хизмат қилаётти.

Кўпнинг дуосини олганнинг ишида унум бўлади, дейди халқимиз. Ижтимоий муҳофазатга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш доимий эътиборимизда. Яқинда «Оҳангаронцемент» ОХЖ маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси 2 нафар фуқарога ногиронлар аравачаси совға қилди, бундан ташқари, шаҳарнинг 4-кичиқ даҳасида болалар учун стадион қуриб берди. Бу каби хайрли ишлар бизга куч-қувват бағишлаб, янги ютуқлар сари чорлашига ишонамиз.

**Муяссар ВОҲИДОВА,**  
«Оҳангаронцемент» ОХЖ  
касабақўм йўриқчиси

## Энг яхши тарғибот

# Аъзолар сони кўпаймоқда

**Иш ҳақини вақтида ва тўлиқ тўланишига эришиш касба уюшма ташкилотларининг доимий эътиборида. Марказий кенгаш раёсатининг «Иш ҳақидан қарздорликни тугатиш бўйича касба уюшма органларининг ҳаракатлари» тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан қатор ишлар амалга оширилди.**

Кўрилатган чора-тадбирлар натижасида 11 та корхонада муддати ўтган қарздорлик бартараф этилиб, расмий талабномалар орқали 1 млрд. 59 млн. сўмдан зиёд маблағ ундирилди.

Айни вақтда нодавлат секторда меҳнат қилаётган ходимларни аъзоликка жалб этиш масаласи гоёт долзарб бўлиб турибди. Хусусан, ўтган даврда аъзолик афзалликларини асослаш борасида тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор берилди. Кувончилиси, Тошкент шаҳар ҳокимияти қошидаги қурилишлар бўйича ўтказилган тендерда голиб чиққан 15 та ташкилотда касба уюшма кўмитаси тузилди.

Ҳисобот даврида янги тузилган бошланғич ташкилотлар сони 72 тани ташкил этиб, 2496 нафар аъзо рўйхатга олинди. Жорий йилнинг 1-ярим йиллигида эса 13 та нодавлат корхонада касба уюшма ташкилоти тузилиб, аъзолар сони 776 кишига кўпайганлиги ҳам саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

Вакиллик ва жойлардаги касба уюшма кўмиталари қошида жамоатчилик асосида 6 та

ҳуқуқий маслаҳатхона хизмат кўрсатмоқда. Маслаҳатхоналар томонидан ҳисобот даврида 994 та мурожаат кўриб чиқилиб, шундан 816 таси ижобий ҳал қилинган бўлса, 178 таси бўйича ҳуқуқий органларга мурожаат этиш тавсия этилди.

Марказий кенгаш мутахассислари бошланғич ташкилотлар учун ўқув-семинар машғулотларини тайёрлаш ва ўтказишда вакилликка яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Бундан ташқари, касба уюшмасига доир услубий қўлланмаларнинг ташкилотларга тарқатилиши фаолиятда қўл келаяпти.

Меҳнат аҳлининг қонуний манфаатлари ҳимоячиси сифатида давлатимиз томонидан узоқни кўзлаб олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаб, халқимиз турмуши янада фаровон бўлиши йўлидаги ислохотларни муваффақиятли тарзда амалга ошириш бундан буён ҳам асосий вазифамиз бўлиб қолади.

**Хусниддин САЙДАЛИЕВ,**  
Марказий кенгашнинг  
Тошкент шаҳар бўйича вакили



## Ҳисобот даврида

Жамоа шартномаларини бажариш учун жами 395,5 миллиард сўм, бошқача айтганда, ҳар бир ходимга 6 миллион сўмдан маблағ сарфланди. Бу ходимнинг йил давомида тўлаган аъзолик бадалидан 36 баробар кўпдир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг бажарилишига 6 ой давомида 164 млн. сўм сарфланди. Бу борада Тошкент, Фарғона, Навоий вилоятларида юқори кўрсаткичларга эришилди.

«Бандлик тўғрисида»ги қонуннинг бажарилишига кўмаклашиш ва ишга яроқли аҳолини ишга жалб қилиш, корхоналарда касаначилик ва ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган, меҳнат бозорида тенг шароитда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар учун иш ўрни яратиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. 31 та корхонада 800 та янги иш ўрни яратилди.

Меҳнат муҳофазаси учун ажратилган маблағларнинг сарфланиши устидан назорат ўрнатилди. Бу борада 21 мингдан ортиқ тадбир ўтказилиб, сарфланган маблағ 22,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида йирик касба уюшма ташкилотларида ҳуқуқий маслаҳатхоналар ташкил этилди.

У ерда мингдан ортиқ ходимнинг турли масалалар бўйича қилган мурожаати тегишли тартибда кўриб чиқилди.

**Вакилликимиз тасарруфида қабул қилинган жамоа шартномалари орқали меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўла қамраб олинган. Ҳар гал ушбу ҳужжат қайта қабул қилинишидан олдин иш берувчи ва ходимлар томонидан чуқур муҳокама этилиши унинг йилдан-йилга мукамаллашиб боришига замин яратмоқда. Ишни ташкил этишда ҳам мазкур ҳужжатдан унумли фойдаланилмоқда.**

Мана бир мисол: ҳисобот даврининг бошида иш ҳақидан 114 млн.дан зиёд қарздорлик мавжуд эди. Ўз вақтида вакилликимиз томонидан кўрилган чора-тадбирлар туфайли шу кунга қадар бу муаммо тўлиқ бартараф этилди.

Ҳар бир йилга янгича ном берилиб, шу асосда давлат дастури қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши ҳам фаолиятимизнинг ранг-баранглигини таъминламоқда. Шу тариқа қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган кам

# Ҳаракатга қараб — натижа

таъминланган, кўп болали оилалардан бўлган 766 нафар тармоқ ходими ва уларнинг фарзандларига 96 млн. сўмдан зиёд моддий ёрдам ажратилди. Бу маблағнинг 87 млн. сўми корхона ва ташкилотлар, 9 млн. сўми эса касба уюшма маблағи ҳисобидандир.

Жамоа шартномаси орқа-

ли ходимларга тўланаётган барча турдаги ижтимоий ёрдамларни таҳлил қиладиган бўлсак, ҳар бир киши учун 2005 йилда салкам 54

минг сўм сарфлангани ҳолда, жорий йилда бу кўрсаткич 394600 сўмни ташкил этмоқда.

Аъзоликка жалб қилиш бўйича қатор ишлар олиб борилгани натижасида 70 дан зиёд нодавлат муассасаларда касба уюшма кўмитаси ташкил этилди. Янги тузилган вакиллик

## Жамоа шартномаси — амалда

органларига ишни тўғри ташкил этиш бўйича амалий ва услубий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бироқ ушбу масалада

димларнинг соғлиғи, моддий ва маънавий, ҳуқуқий манфаатлари чекланишига олиб келади.

Биз ушбу масаладаги муаммоларни ҳал этиш мақсадида юқори касба уюшма ташкилотлари ва жойлардаги бошқарув органлари билан ҳамкорликни кучайтирмоқдамиз.

**Боймурод МЕЙЛИЕВ,**  
Марказий  
кенгашнинг  
Қашқадарё  
вилоятидаги вакили

Кўшсаҳифани «Ishonch»  
муҳбирлари Шерзод  
АБДУСАМАНОВ ва Дилором  
АЛЛАКУЛОВА  
тайёрлади.  
Икром ҲАСАНОВ  
олган суратлар

## Сўраган экансиз

Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар парвариш қилганлиги учун нафақа тайинлаш тартиби ҳақида маълумот берсангиз.

А. АБДУСАМАДОВ Тошкент шаҳри



лаш нафақасини тайинлаш тартиби, муддатлари ва бошқа шартларига тааллуқли қуйида келтирилган барча бандлари 2002 йил 1 февралдан кейин болани парвариш қилиш нафақаси хусусида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилган шахсларга татбиқ этилади. 2002 йил 1 февралга қадар тайинланган болани парвариш қилиш нафақалари фақат 2003 йил 1 февралдан бошлаб, муҳтожликдан келиб чиқиб, қайта кўрилади.

Нафақа она ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилган ойдан кейинги ойдан қолдирмай тўланади. Нафақа ўн икки ойга тайинланади, лекин бола икки ёшга тўлган ойдан ошиб кетмаслиги керак.

Бундан кейин мазкур нафақани олишга муҳтожлик сезса, уни олаётган шахс болага икки ёш тўлишига қадар болани парвариш қилиш нафақасини танаффуссиз тўлаш масаласини ҳал этиш учун

белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, тўловларнинг аввалги ўн икки ойлик муддати тугашидан бир ой олдин такроран мурожаат қилишга ҳақлидир.

Болани парвариш қилиш нафақасини тўлаш жорий ой учун амалга оширилади.

Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка олинган ёки васийликка қабул қилинган болалар парвариш қилинаётган бўлса, болани парвариш қилиш нафақаси бир миқдорда, кичик ёшдаги бола икки ёшга тўлишига қадар тўланади.

Болани парвариш қилиш нафақаси кўрғон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини ёки махсус ваколатли комиссия томонидан, она ёки амалда болани парвариш қилаётган бошқа шахс кўрғон, қишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига берадиган аризага асосан тайинланади. Ариза ҳудудида мазкур шахс рўйхатдан ўтказилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

а) боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма нусха;

б) меҳнат дафтарчасидан кўчирма нусха — илгари ишлаганлар учун;

в) ариза топширилган ойгача оила аъзоларининг охириги ўн икки ойдаги даромадлари тўғрисида маълумотнома;

г) боланинг ногиронлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи ВКК хулосаси кўчирма нусхаси (зарурат бўлганда);

д) никоҳнинг бекор қилингани тўғрисида гувоҳноманинг кўчирма нусхаси ёки тегишли суд қарорларидан кўчирмалар (зарурат бўлганда);

е) онаси бўлмаган болани амалда парвариш қиладиган шахслар онасининг йўқлигидан далолат берувчи ҳужжат — боланинг онаси вафот этганлиги тўғрисида

гувоҳнома, онани оналик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисида суд органлари берган маълумотномани ёки боланинг онаси болани парвариш қилиш нафақасини олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатларни қўшимча равишда тақдим этилади.

Нафақа тайинлаш учун зарур ҳужжатлар белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаларда тақдим этилади.

Ишламайдиган оналарга (мазкур низомнинг 10-банди «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилганлардан ташқари) болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади.

Оилаларнинг муҳтожлигини белгилаш чоғида қўлланадиган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори нафақа сўраб мурожаат қилинган ойдан олдинги 12 ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган оиланинг жами даромадини белгилаш учун болани парвариш қилиш нафақасини олишга ариза билан мурожаат қилиш ойгача кейинги ўн икки ой давомида олинган даромадларнинг барча турлари қўшилади. Қуйидагилар даромадлар таркибида ҳисобга олинади: солиқ солинадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш учун нафақалардан ташқари), шунингдек шахсий ёрдамчи ҳўжаликдан олиннадиган даромадлар.

Агар даромадларни ҳисобга олиш учун қабул қилинган давр (нафақа олиш учун мурожаат қилинган ойдан аввалги 12 ой) давомида алоҳида оилар учун иш ҳақи бўйича ҳисоблаб ёзишлар амалга оширилмаган бўлса, ушбу даврлар жами даромадини белгилаш чоғида ҳисоб-китобга қабул қилинмайди. Узоқ вақт иш ҳақи сақланмасдан мажбурий таътилда (сурункасига 3 ойдан кўп) бўлган шахслар ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналари ходимлари бундан мустасно.

Оила аъзолари ҳар бирининг ўртача даромади белгиланган мезонга мувофиқлигини таҳлил қилиш натижалари бўйича ва комиссия хулосаси асосида болани парвариш қилиш нафақасини олишга муҳтож оилалар рўйхати тузилади, у кўрғон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролари йиғинига кўриб чиқиш учун киритилади.

Нафақа тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор кўрғон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқароларининг йиғини ёки у махсус ваколат берган комиссия томонидан очик овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Агар унга кўрғон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқаролар йиғини иштирокчиларининг (комиссия аъзоларининг) ярмидан кўпи овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Кўрғон, қишлоқ, овул ёки маҳалла фуқароларининг йиғини, шунингдек, махсус комиссия томонидан қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

► **Далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритиш қай тартибда амалга оширилади?**

Ўн олти ёшга тўлган шахсларнинг туғилиш, никоҳ ва никоҳдан ажралош ҳақидаги далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритиш уларнинг аризаларига мувофиқ амалга оширилади. Ўн олти ёшга тўлмаган шахсларнинг туғилиш далолатнома ёзувларига ўзгартиришлар киритиш ота-онаси аризасига асосан амалга оширилади. Бундай ҳолларда 10 ёшдан ошган болалар розилиги аризада кўрсатилади.

► **ФХДЁ органларида далолатнома ёзувларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритиш қандай ҳолларда амалга оширилиши мумкин?**

— «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 15-моддасига асосан тарихий ва миллий аъналарга риоя қилиш мақсадида фамилияси, исми ва ота исмини ёздириш истаги бўлганда:

— оталик белгиланганда;  
— фарзандликка олинганда;

— ота-онанинг келишувига кўра (шунингдек, ота-она никоҳдан ажратилганда) ёки ҳоким қарорига кўра вояга етмаган боланинг фамилияси ўзгартирилганда;

— миллати ўзгартирилганда;

— никоҳда турмаган оила томонидан боланинг отаси ҳақидаги маълумотларни ўзгартириш ҳақида ариза берилганда (бола 16 ёшга етгунга қадар);

— оталикни белгилаш ёки фарзандликка олиш суд қарори билан ҳақиқий эмас деб топилганда;

— ота-онанинг фамилияси, исми ва ота исми ўзгартирилиши муносабати билан вояга етмаган боланинг фамилияси ва ота исми ўзгартирилганда;

— имловий хато ва ноаниқликлар бўлганда, шунингдек, туғилган вақти, жойи ва исми ёзилмай қолганда;

— 16 ёшга тўлмаган боланинг исми ва фамилияси ўзгартирилганда, агар исми ва фамилияси ота-онасининг хоҳиши ҳисобга олинмаган ҳолда берилган бўлса;

— агар далолатнома ёзувида исми қисқартирилиб ёки эркалатиш шаклида ёзилган бўлса, шунингдек, бошқа зарур ҳолларда.

► **Далолатнома ёзувида ўзгартиришлар киритилиши тўғрисида берилган аризалар неча кун муддатда кўриб чиқилади?**

Далолатнома ёзувида ўзгартиришлар киритилиши зарур бўлган ҳолларда ариза унга илова қилинган барча ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 15 кун ичида кўриб чиқиши керак.

ФХДЁ органининг рад этиш тўғрисидаги хулосаси устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

**Саволларга Бешарик тумани ФХДЁ бўлими мудираси вазифасини бажарувчи Х.МАМАЖОНОВА жавоб берди.**

## Мажбурий аудиторлик текшируви

Акциядорлик жамияти, банк ва бошқа кредит, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари, хайрия фондлари, устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига асосан ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилади. Дарвоқе, мазкур моддада мажбурий аудиторлик текширувидан бош торганлиги учун ҳўжалик юритувчи субъектдан молиявий жарима ундириш ва мансабдор

шахсга нисбатан қонун ҳўжжатида белгиланган тартибда жавобгарлик кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қонунни амалга ошириш, аудиторлик хулосаларини солиқ ва бошқа назорат органлари томонидан ҳисобга олинишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Унда мажбу-

рий аудиторлик текширувини ўтказиш шарт бўлган корхоналар ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 майгача аудитор текширувини ўтказиш ва текширув тамом бўлгандан кейин 15 кун мобайнида тегишли солиқ органига аудиторлик хулосасининг нусхасини тақдим этиши белгилаб қўйилган. Мазкур текширувини ўтказмаган ҳўжалик юритувчи субъектга ва мансабдор шахсга нисбатан жазо чораси қўлланилади. Молиявий жарима энг кам иш

ҳақининг 50 баробаридан 100 баробаригача миқдорда қўлланиши кўзда тутилган.

Бўстонлик тумани ҳудудида мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш шарт бўлган 21 та ҳўжалик юритувчи субъект мавжуд. Юқоридаги қонун ва қарор ижросини таъминлаш борасида ДСИ томонидан мазкур субъектларга эслатмалар юборилганлиги бежиз эмас.

**Р.ҲАСАНОВ,**  
Бўстонлик тумани ДСИ камерал назорат шўъбаси мудир

### Билиб кўйган яхши

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



**Қаҳҳор Раҳмонов ҳар бир масалани ечишда математикларга хос аниқлик ва мантиққа таяниб иш кўради. Бу фазилатини яхши билган дўстлари бирор юмушда мушкулотга дуч келишса, ундан маслаҳат олишга шошилишади. Ўн йилдан буён таълим ва фан ходимлари Нурота туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси вазифасида ишлаб келаётганига ҳам шу ҳолат сабаб бўлса, ажабмас.**

## ИШОНЧ ВА

## ҲУРМАТГА МУНОСИБ

Қаҳҳор ака Нурота шахрининг Баргсуз маҳалласидаги зиёли оиласида тарбия топди. Мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Математика фанига қизиқиш унда ўша вақтлардаёқ уйғонган. 9-синфда ўқиб юрган чоғида у вилоят «Ёш математиклар» олимпиадасида 2-ўринни олганини, кейинги йили эса Шахрисабз шаҳрида ўтказилган республика олимпиадасида иштирок этганини ҳали эслаб юради.

Кейинчалик Самарқанд давлат университетининг математика факултетидида таҳсил олишига ҳам ана шу қизиқиш сабаб бўлган. Талабалик йилларида пухта билим эгаллаш билан бирга, жамоат ишларида ўзини кўрсатди. Факултетда ёшлар етакчиси сифатида фаоллиги учун берилган Фахрий ёрлик ўша даврдан эсдалик.

Унинг касаба уюшмаси соҳасидаги илк фаолияти ҳам талабалик йиллари билан боғлиқ. Тўртинчи курсда ўқиб юрганида факултетдошлари Қаҳҳорни касаба уюшма етакчиси қилиб сайлашди. Ўшанда йиллар ўтиб, иш фаолияти касаба уюшмаси билан боғлиқлигини ўйламаганди, албатта.

1973 йилда университетни имтиёзли диплом билан тамомлагач, бир йил шу даргоҳда ишлаб, сўнгра ўзи тугилиб ўсган туманга қайтди. Бир неча йил 3-ўрта мактабда математика фанидан ёшларга сабоқ берди. Педагогик маҳоратини оширишга астойдил бел боғлади. Ёш мутахассиснинг изланувчанлиги тезда раҳбарлар назарига тушди. Таълим жараёнини бошқаришдаги қобилияти туфайли турли масъулиятли вазифаларни бажаришга тўғри келди. Хусусан, бир йил туман халқ таълими бўлимида услубчи, этти йил мактабда илмий бўлим мудирини, ўн бир йил 1-ўқув ишлаб чиқариш комбинати директори бўлиб ишлади. Меҳнатсеварлиги, билимдонлиги, зукко ва ишбилармон, тадбиркор раҳбарлигини намоян этди.

Айниқса, ЎИЧҚда раҳбар лавозимида ишлаган йиллари унинг учун катта тажриба мактаби бўлди. Ўқувчиларнинг пухта билим олиши, уларни тўғри касб танлашга йўллаш ишларида астойдил хизмат қилди. Соҳанинг паст-баландини, таълим ходимларининг дарду ташвишини теран ўрганди. У таълим самардорлигини ошириш ўқитувчиларга муносиб шароит яратиш билан боғлиқ эканлигини эътироф этиб, фаолиятида ҳам шунга амал қилди. 1999 йилда таълим ва фан ходимлари туман бирлашган касаба уюшма кўмитасига раис этиб сайланишига ҳам кўпчилик

да унга нисбатан уйғонган ишонч ва ҳурмат сабаб эди.

У касаба уюшма раҳбари сифатида ходимларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишдан чарчамади. Кам таъминланган, ёлғиз ходимлар, ногиронлар, нафақахўрлар, муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиб туриш доимий одатига айланди. Ходимларнинг талаб ва истагига асосан саёҳатлар, учрашувлар, қизиқарли кечалар ташкил этишни кўпайтирди.

Соҳадаги омилкорлиги туфайли 2008 йилдан туман касаба уюшма ташкилотлар мувофиқлаштириш кенгаши раиси вазифасида ҳам ишлаб бошлади.

— Қаҳҳор Раҳмонов ҳар бир масалага синчковлик билан муносабатда бўлади, — дейди туман халқ таълими бўлими касаба уюшма кўмитаси раиси Х.Бобокулов. — У ҳеч бир ишга майда нарсаси деб қарамайди. Бошқаларни ҳам шундай фаолият кўрсатишга ундайди. Ҳар бир муаллимнинг, таълим-тарбия ходимининг ишига, зиммасидаги масъулиятли ва шарафли вазифани қандай уйдлаётганига тўғри ва холис баҳо беради. Яна бир фазилати — иш жараёнида давр талабига мос пухта уйланган фикрини дадил ўртага ташлаб, ечимини кутади. Доимо меҳнат самарасидан хулоса чиқарган ҳолда иш тутаяди.

Масъулиятли вазифаларда ишлашига қарамай, Қ.Раҳмонов математика сабоқларини осон етказиш усуллари ҳақида доимо бош қотирди. Бу борадаги ишлари бир неча марта эътироф этилган. Жумладан, 1981 йилда Самарқанд вилоят ўқитувчиларининг педагогик ўқишларида «Математика дарсларида қизиқарли мисолларни ечиш услублари» мавзусида маъруза қилиб, биринчи ўринни эгалаган бўлса, шу йили Республика ўқитувчиларининг педагогик ўқишларида иштироки ва 1988 йилда «Ўқувчиларни тўғри касб танлашга йўллаш» мавзусидаги маърузаси учун Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари, 1993 йилда ўрта таълим муассасаларида «Иқтисодий билим асослари ва меҳнатни ташкил этиш тажрибасида» мавзусидаги маърузаси учун кўкрак нишони билан тақдирланди. 1990 йилда эса 300 та қизиқарли мисолни ўз ичига олган тўплами чоп этилди. Шунингдек, Қаҳҳор Раҳмоновнинг ўтган йили нашр этилган «Математика — ақл гимнастикаси» номли қизиқарли мисоллар методик тўпламида 400 та мисол ва жум-

боқлар жам этилган.

— Бировга илм ўргатиш ниҳоятда хайрли иш, — дейди Қаҳҳор Раҳмонов. — Ёшларни билимли этиб тарбиялашни-ку, қўяверинг. Касбимдан фахрланаман. Машаққатга тўла бўлса-да, кишига чексиз завқ бағишлайди. Ана шундай масъулиятли юмушни зиммасига олган ҳамкасбларим меҳнатини муносиб қадрлаш ҳақида тинимсиз ўйлайман.

Муносиб хизматлари учун 2006 йилда у давлатимизнинг «Мустақилликнинг ўн беш йиллиги» ва 2008 йилда «Таълим ҳомийси» кўкрак нишонлари билан мукофотланган Қаҳҳор ака оилада вафодор умр йўлдоши, меҳрибон ота. Турмуш ўртоғи врач-педиатр Раъно Маҳаммова билан 35 йилдан бери умргузаронлик қилиб келмоқда. Биргаликда 7 нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тарадилар. Ўзбекистон, уларнинг кўпчилиги ота касбини давом эттиришмоқда. Қизлари — Шахло Навоий вилоят халқ таълими бошқармасининг мудир муовини, математика ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси, Гулрух Навоий шаҳридаги 16-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, Чарос Нурота туман халқ таълими бўлими математика ва информатика фани услубчиси, Доно Нурота иқтисодий коллежида, Холида Нурота шаҳридаги 55-мактабда кимё фани муаллимаси. Фақат Шаҳноза онаси изидан бориб, педиатрликка меҳр қўйди. Ҳозирда Тошкент педиатрия институтининг магистранти. Кенжа фарзанд Курбонмурод эса академик лицей талабаси. Шу маънода бу оила вакиллари ҳеч иккиланмай муаллимлар сулоласи дейиш мумкин.

Бир йил олдин табаррук олтимиш ёшини қарши олган бахти бутун инсоннинг юраги ғайратшижоатга тўла. Бир дам бўлсин, ўзига юклатилган вазифани эрдан чиқармайди. Шу боисми, жорий йилнинг май ойи бошида бўлиб ўтган тармоқ туман бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳисобот конференциясида Қ.Раҳмонов бир овоздан қайта раис этиб сайланди. Бу етмагандек, унинг яна бир масъулиятли юмушни гарданига олганлиги хайратланарли. У ўзи истиқомат қиладиган «Будик» маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли. Танишбилишлар баъзан ҳазиллашиб, «Қаҳҳор аканинг танглайини бировларнинг оғирини енгил қилиш учун кўтаришган», деб кулиб ҳам кўйишади. Бу фикрда жон бор.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ,**  
«Ishonch» муҳбири

## Кўприк

Кўприк курмоқ савобдир.

Халқ нақли

Кўчани кесиб ўтган ариққа қўйилган қувурни кавлаб олаётган икки йигитни кўриб, Норбой бобо сўради:

— Ҳой, йигитлар, нега қувурни оляпсизлар, кўча ўйдим-чуқур бўлиб қолади-ку?

— Қувур асли Холиқ дўкончига тегишли экан, кавлаб келинлар деди, шунга оляпсизда, бобо, — деди йигитлардан бири.

Норбой бобо ўйланиб қолди, ахир бу матоҳнинг кўмилганига қанча йил бўлди-ю... Ҳа, эслади, ўшанда Холиқ дўкончи омбор мудирини бўлиб ишларди, лекин қувурни хўжалиқдан олишган эди.

— Нима, ўша дўкончи сотиб олганмикан буни? — гап қотди Норбой бобо.

— У ёғини билмаймиз...

Орадан кунлар ўтди. Биноийдай кўча абгор бўлиб қолди. Охири бўлмади. Норбой бобо қурилиш фирмасида ишлайдиган танишига нафақа пулининг ярмини бериб, қувур олиб келтирди ва кўчага ўрнатди.

Сафар молиянинг тўйида кимдир Норбой бободан сўради:

— Бобо, кўчага қувур сотиб олибсиз, шу гап ростми?

Норбой бобо кулимсиради:

— Ҳа, энди, ука, ҳозирча фойдаланиб туринглар, керак бўлганда кавлаб оларман...

Давранинг тўрида ўтирган Холиқ дўкончи бу сўзларни эшитиб мулзам бўлди, қизариб кетди...

**Й**ўлдош муаллим эл қатори яшайди. Бу йил нафақага чиқмоқчи, аммо ҳали қилиши керак бўлган ишлари, режалари кўп. Ҳар қалай умри бесамар ўтмади: тўрт-бешта китоб чиқарди, обрў-эътибор топди...

Дарвоқе, сўзимиз кўприк ҳақида эди.

Муаллим яшайдиган уйнинг орқасидан катта ариқ ўтган. Ҳайқириб сув оқади. Ариқнинг нариги тарафига ўтиш, айниқса, қиш, баҳорда азоб, чунки кўприк йўқ. Кўприк қуриш эса осон иш эмас, харажати бор.

Йўлдош муаллим бу хусусда уч-тўрт қўшнисига гап солиб кўрди, тайинли жавоб бўлмади.

Муаллимнинг жаҳли чиқди: «Тенқурларим чойхона, дўкон қуриб ётибди, мен битта кўприк қуролмайманми», деди ўзига ўзи.

Бир ойлик маошига учта бетон қувур сотиб олди, ариққа ўрнатди, устига шох-шабба ташлади. Фермер ошнаснинг булдозерлари билан тупроқ босди. Ўғиллари Бахтиёр билан Давронни икки ҳафта терлатди.

Кўприк тайёр бўлди. Энди узоқдан машинада келадиган қаламкаш дўстларидан хижолат бўлмайди. Қолаверса, кекса-ёш, бола-бақра бемалол ўтиб, қишлоққа, мактабга боришадиган бўлди.

Йўлдош муаллим кўприк қурганини овоза қилгани йўқ, мақтанчоқлик муаллимнинг табиатига ёт.

Мактабдан қайтаётиб тадбиркор танишимни учратдим.

— Дўст, газетага нуқул бегоналарни ёзасиз, — деди у бироз нолиб. — Мана бизни ҳам бир ёзинг. Кеча ўғилчамиз ўқиётган синфни таъмирлашга беш кило оҳак олиб бердик...

**А**лим қассоб уйига келган совчига айтди: — Ўша куёв турадиган қишлоқлик одамларини яхши танийман, бари давлатманд, баобрў. Аммо бир нарасага хайронман, шунча мардум бўла туриб, битта кўприкни созловмайди. Қуда бўлмишга айтинг, қалин пули керакмас, ўша кўприкни тузатсин. Кўприк битган куни тўйни бошлаймиз.

Совчи Алим қассобнинг айтганини Норқул таксичига етказди. Эртасига таксичи ўғиллари билан кўприкни тиклашга киришди, қўшнилари ҳам қараб туришмади. Ниҳоят, кўприк битди. Алим қассоб ҳам сўзида туриб тўйни бошлади.

Кунларнинг бирида кўприқдан ўтаётган келинчакни кўрган Менгиш момо деди:

— Анови кўприк қурдирган келинчакми? Илоё барака топсин, ўғил-қизи кўп бўлсин...

**Ўролбой КОБИЛ,**  
Қамаши тумани, Гулистон қишлоғи


Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика  
комплекси, кимё саноати ва  
геология ходимлари касаба  
уюшмаси Марказий  
кенгашининг Фарғона  
вилояти вакиллиги

**Ўзбекистон халқини  
мустақиллигимизнинг  
19 йиллиги билан қизғин  
табриклайди.  
Қалбингизни Ватанга  
муҳаббат асло тарк  
этмасин, юртимиз тинч,  
осмонимиз доимо  
мусаффо бўлсин!**



Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика  
комплекси, кимё саноати  
ва геология ходимлари касаба  
уюшмаси Марказий  
кенгашининг Қорақалпоғистон  
Республикасидаги вакиллиги

*Тармоқ ходимлари ва серқуёш юртимиз  
аҳлини Истиқлол айёми билан  
самимий муборакбод этади.  
Кўнгилларга ғурур ва сурур  
бағишлаб келадиган  
Мустақиллик байрами  
асрлар оша давом  
этаверсин!*



## «ОҚТОШ САНАТОРИЙСИ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Соҳа ходимлари ва барча юртдошларни Истиқлол айёми билан самимий муборакбод этади ва мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф қилади.

Санаторий Тошкент шаҳридан 65 км. узоқликда жойлашган тоғ-иқлимли курорт. Худуди кенг ўрмонзорлар билан ўралган бўлиб, бу ердан Оқтош ва Айиқсой дарёлари оқиб ўтади.

Даволаш омили — мусаффо тоғ ҳавоси, тошдан тошга урилиб оқиб ўтадиган дарёлардан келиб чиқадиган табиий гидроланиш бўлиб, нафас аъзолари касалликлари билан хасталанган беморларни даволашда яхши таъсир қилади.

Нафас аъзоларининг туберкулёзга алоқадор бўлмаган касалликлари даволанади.

Даволаниш комплекси физиотерапия, сунъий ванналар (игнабаргли, тузли), сауна, парафин ва озекерит билан даволаш, массаж, жисмоний тарбия, парҳезли овқатланишдан иборат.

Ётоқ жойлари шинам, барча қулайликларга эга бир-икки ўринли хоналардан иборат.


Сиҳатгоҳда кино залига эга клуб, кутубхона, спорт майдончалари бор. Экскурсиялар ташкил этилади.

Санаторий худудидаги маиший хизмат кўрсатиш хоналари, савдо шохобчалари ва шарқона чойхона Сизнинг хизматингизда.

Шифо масканимизга хуш келибсиз!

Манзилимиз: Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани «Оқтош» қишлоғи.

Телефакс: 8(37074)22983



## Наманган вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши



Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини манлакатимиз Муетақиллигининг 19 йиллиги билан самимий табриклайди. Уларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайди!

# ЎЗЛИГИМИЗ,



**дерматология ва венерология илмий амалий тиббиёт маркази шифокори Дилмурод Жуманов.** — Ушбу касалликлар,

наётган озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳар хил кимёвий ранг, таъм ва ҳид берувчи қўшимча моддалар сақлаши, яримтайёр маҳсулотларнинг ишлатилиши терида қуёш нури таъсирида юзага келадиган касалликларга мойилликни бир неча баробар оширишини инобатга олсак, муаммонинг нақадар долзарблигини англаймиз. Фотодерматоз гуруҳи касалликлари ўнлаб касалликлардан иборат бўлиб, уларнинг барчаси қуёш нури таъсирида юзага келади. Бу хасталикларга аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ чалинади. Эътиборли томони шундаки, терида кузатиладиган ўзгаришлар айнан терининг очиқ соҳаларида, яъни юз, ёноқлар, қулоқ орти, бўйин, юқори кўкрак, қўлларнинг қуёш нури тушган жойларида юзага келади ва тананинг ёпиқ соҳаларидаги терида ўзгаришлар кузатилмайди. Эътибор берилмаган ҳолларда касаллик авж олади ва тананинг барча, ҳатто ёпиқ соҳаларини ҳам қамраб олиши мумкин. Инсон орга-

низмига кўп миқдорда таъсир этувчи нурлар терида фототравматик, фототоксик ва фотоаллергик жараёнларга сабаб бўлади. Терининг енгил қизариши, эластиклиги бузилиши, доғсимон ва тугунли тошмалар, шиш, пуфаклар пайдо бўлишидан тортиб ажин тушиши, эрта қариши, хавфли ва хавфсиз ўсмаларнинг пайдо бўлишигача олиб келади. Бўлажак оналарнинг эътиборига молик тарафи онадан болага бу касалликларга мойиллик ўтиши ва айрим турлари наслий касаллик сифатида юзага чиқишидир. Касалликнинг олдини олиш учун, аввало, ташқи таъсирдан сақланиш, яъни танани

ёпиб турадиган либослар кийиш, соябонлардан ва қуёш нуридан сақловчи воситалардан фойдаланиш лозим. Касаллик юзага келган ҳолатларда албатта шифокор кўригидан ўтиш ва аниқ ташхис асосида даво-ланиш керак.

Бундан тўрт-беш йил бурун Россия журналистлари «аёлларнинг яланғочлашуви эркаклар учун ҳалокатлидир» қабилидаги чиқишлар билан бонг уришган эди. «Москвалик қизларнинг қандай кийинаётганини кўриб, бутун Россия ақл бовар қилмас жинсий хасталикка мубтало бўлган деган хаёлга борасан киши. Бу биринчи навбатда қизларнинг қорнини очиб юришида кўринади. Ваҳоланки, дунёнинг бирорта ҳам мамлакатда бундай кийинишмайди», — деб ёзади «АиФ» мухбири Юлия Шигарёва («АиФ», 2006, 28-сон). Афсуски, бундай ҳолатларга шарқона андиша, меҳр-оқибат, одобахлоқи билан ҳар доим ўзга халқларга намуна бўлиб келган юртимиз кўчаларида ҳам гувоҳ бўлаётганимиз кўнгилни ғаш қилади.

— Сўнги йилларда тиббиётда ёшлар, айниқса, ўғил болалар ўртасида жинсий майлнинг сусайиши, жинсий яқинлик давомийлигининг камайиши ёки охирига етмай қолиши, илк қовушиш кечасида муаммо юзага келадиган шикоят қилаётганлар сони ортиб бормоқда, — дейди дерматолог-венеролог Сарвар Бегимкулов. — Кучли жинс вакиллари мижозининг заифлашиши, бошқача қилиб айтганда, жинсий ҳаётга ярамай қолиши мураккаб касаллик ҳисобланади. Яқин-яқингача эркакларда жинсий алоқа қилиш қобилиятининг пасайиши ёки йўқолиши тиббиётда импотенция деб юритилган. Аммо ҳозирги тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, эрекция, яъни эркаклар жинсий аъзоси кўзғалиши бутунлай йўқолиши-

Либос ҳар бир миллат маданиятининг ўзига хос белгиси, маънавият тимсоли, қадриятнинг бир кўринишидир. Қадимдан инсон қайси миллатга мансуб эканини, биринчи навбатда, кийими-мига қараб билишган. Ҳар бир миллат ўзига хос кийиниш маданиятига эга. Фақат XIX-XX асрлардан бошлаб дунё халқлари кийиниш борасида бир-бирига яқинлаша бошлади. Шарқ ва Ғарб маданиятининг бир-бирига таъсири кучайди. Бугунги кунда жамиятимизда азалий қадриятларимизга тамомила номуносиб бўлган турли ҳолатларга, нафақат исломий, балки инсоний ақидаларимизга ҳам тўғри келмайдиган ишларга гувоҳимизки, бу кийиниш маданиятида ҳам кўзга ташланмоқда. Аксарият қизларимиз тор шим, очиқ кофтлар, узун-тор ёни очиқ, этаги кенг, калта юбкаларни кўпроқ кийишяпти. Аслида оддий ҳолатдай кўри-наётган ярим-яланғоч кийиниш саломатликка сезиларли даражада таъсир этади.



Кийиниш маданиятида ажодларимиз ҳавас қиларли даражада ажралиб турганлар. Кувончлиси шундаки, мустақиллик шарофати билан бу азалий қадриятлар янгидан жи-лоланиб, уларни халқимиз, ай-ниқса, ёшларимиз онгига синг-диришга алоҳида эътибор бе-рилмоқда.

Мавриди келганда айтиш керакки, кийиниш одоби ху-су-сида ҳидоятга бошловчи му-қаддас манбалар — Қуръони карим ва пайғамбаримиз ҳадисларида, шунингдек, буюк аллома ва мутафаккирларнинг асарларида ҳам қимматли го-ялар тарғиб этилган. «Ҳаё иймондандур», — дейилади ҳадиси шарифда. Сарвари оламнинг: «Кийим-бошларин-гизни дид билан кийинглар, токи одамлар орасида юзга оро берган хол мисоли чирой-ли бўласизлар» деган ўғити ҳеч қачон қимматини йўқотмайди.

Аввало, кийим-кечак инсон ҳаётида қандай рол ўйнайди деган саволга жавоб излаб кўрайлик. Чунки ҳар бир инсон кияётган кийимнинг фойда-за-рарини, қандай матодан тикил-ганини, керак бўлса, тарихи ва аҳамиятини билиши лозим.

Мутахассисларнинг таъкид-лашича, кийим-бошнинг асо-сий гигиеник аҳамияти одамни иқлим омилларининг ноқулай таъсиридан, шунингдек, тери-ни механик шикастлардан ҳимоя қилишдан иборат. Ҳаро-рат паст, намлик юқори бўлганда кийим организмнинг иссиқлик йўқотишини камай-тиради, ҳарорат юқори бўлганда эса тўғри танланган кийим биз-

ни иссиқлаб кетишдан сақлай-ди. Спорт, ҳарбий кийим, иш-лаб чиқариш ва касалхона кийимининг қатор хусусиятла-ри бор. Кийим қандайлигидан қатъи назар, организмга қулай микроклим яратилиши лозим. Бунинг учун кийим тикиладиган мато иссиқлик ўтказувчанлик, гигроскопиклик жиҳатидан му-айян талабни қондириши за-рур. Йилнинг совуқ фаслида мато иссиқликни кам ўтказув-чан бўлиши керак. Ҳаво ҳаро-рати юқори бўлганда, айниқса, жисмоний иш бажаришда бун-га талаб бўлмайди. Фовак ва момикли матолардан тикилган кийим зич ва силлиқ матодан тикилган кийимга нисбатан ис-сиқни яхшироқ сақлайди.

Ҳаво ўтказувчанлик мато-нинг муҳим хоссасидир, ташқи ҳаво ва кийим остидаги ҳаво ўртасидаги алмашинувнинг мунтазамлиги ана шунга бо-глик. Матонинг ҳаво ўтказувчан-лиги унинг табиатида, тузили-шига тегишли бўлиб, асосан майда тешикчаларининг ўлча-ми ва миқдори билан белгила-нади. Ҳаво ўтказувчанлиги яхши матолардан кенг, мос қилиб тикилган кийимларни кийган маъқул, бу яхши ҳаво алмашинуви ва тернинг тез буғланишига имкон беради. Қишки кийим мос қилиб бичил-ган бўлиши, қон айланишини қийинлаштирадигани керак.

— Қуёш нури таъсирида те-рида юзага келадиган бир гуруҳ касалликлар фотодерма-тозлар деб аталиб, грекчада ёруғлик ва тери маъноларини англатади, — дейди Респуб-лика ихтисослаштирилган

уларни турларга ажратиш XX асрнинг иккинчи ярмидан бош-лаб Европа олимлари томони-дан ўрганила бошланган. Ай-нан ўша даврлардан мода ту-сидаги, яъни ноанъанавий ли-босларнинг яратилиб, шоу-бизнес оламида кенг қўллани-ши ёшлар ўртасида уларга бўлган қизиқишни кучайтирди.



Узун, тананинг кўп қисмини ёпиб турадиган кийимлардан воз кечилиб, қўл, гавданнинг юқори қисмлари ва қорин соҳалари очиқ либосларга эъти-ёж ортди. Аммо бу турдаги кийимларнинг инсон органи-змига салбий таъсир этиши эътиборга олинмапти.

Либослар нафақат танани ёпиб туради, балки теримизни ташқи таъсирлардан ҳимоя қилади. Улардан бири қуёш ну-ридир. Қуёшдан келадиган за-рарли нурлар атмосферанинг озон қаватида тутулиб қолади. Аммо ҳозир атроф муҳитга чи-қариладиган зарарли газлар-дан озон қаватининг емирилиб бораётганлиги, истъомол қили-

# ОР-НОМУСИМИЗ КЎЗГУСИ



га қараганда унинг сифати камайиши кўпроқ кузатилмоқда. Шу боис бир неча йил аввал эркаклар таносил касалликлари бўйича фаолият юритадиган олимлар ўртасида бўлиб ўтган Европа съездида янги эректел дисфункция терминини киритиш таклиф қилинди.

Бу касалликнинг ривожланишида нафақат таносил аъзоларидаги касалликлар, балки инсоннинг руҳий ҳолати ҳам жуда катта рол ўйнайди. Беморларнинг ички аъзолари теширилганда ҳеч қандай касаллик аломатлари топилмайди ва касаллик сабаби неврастеник ўзгаришлар деб баҳоланади. Чунки жинсий алоқага интилиш жуда ҳам мураккаб ҳодиса бўлиб, шартли ва шартсиз, яъни инсон ўзи бошқара олмайдиган рефлекслар жараёнида юзага келиб, ташқи шароитлар ҳам бевосита сабабчи бўлади. Бунда сезги органлари иши, аёлларнинг ташқи қиёфаси, хушмуомалалиги туфайли юз берган руҳий кечинмалар ва ички биологик ўзгаришлар катта аҳамиятга эгадир. Инсон сезги органлари туфайли, яъни асосий тана соҳаси очиқ қизларни кўриш орқали авваломбор кўзғалиш пайдо бўлади, сўнгра жинсий алоқа ва хуш ёқиш рўй бериши керак. Ушбу жараёнлар бир-бирига нисбатан етакчилик вазифасини бажаради. Агар бу ҳолатлар узилиб қолгудек бўлса, албатта, жинсий ожизликка олиб келади. Таъкидлаганимиздек, ушбу шартсиз рефлекслар инсонга бўйсунмайдиган ҳолат бўлиб, жамоат жойларида тиззадан юқори кийим кийиб ёки қиңдиқларини очиб, ярим яланғоч ҳолатда юрган, ёнингизда ярим-яланғоч обқларини кўрсатиб ўтирган қизни, ўзига хос ёпик, аммо бутун баданга ёпишиб кетган либос кийиб юрган аёлни кўрган соғлом эркакда назоратга олиб бўлмас ўзгаришларни юзага келтириши муқаррар. Аммо инсон онгли мавжудот бўлганлиги учун ўзини чалғитишга ҳара-

кат қилиб, организмдаги нормал жараёнларга ақс таъсир ўтказиши, хусусан бош миёда пайдо бўлган кўзғалишларни йўқотишга ҳаракат қилади. Бу ҳолат тез-тез такрорланавергач, организмда кўниқиб пайдо бўлади ва охир-оқибат жинсий ёқтириш ҳисси ва унга интилиш сусаяди, жинсий органлар ишини идора этувчи бош миёдаги марказлар фаолияти бузилади, жинсий аъзоларнинг кўзгалувчанлиги камайди. Бу сўнгги йилларда долзарб муаммо сифатида таъкидланаётган бепуштлиқ касаллиги ривожланишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари бундай «мода»да юриш оқибатида қизлар буйрак шомоллаши, нерв толалари, кўкрак беши, тери касалликларига йўлиқмоқда.

Мутахассислар юқорида айтиб ўтган хунук хасталикларнинг олдини олишда либослар-

нинг нафақат миллийлиги, балки саломатлик йўлидаги аҳамияти ҳам кенг маъно касб этиши сезилиб турибди. Шундай экан, либосларга бўлган қарашларимизни ўзгартирайлик. Зеро, улар ўзлик, қадр-қиммат, ор-номус кўзгуси ва албатта саломатлик гаровидир.

Гап мода ҳақида кетар экан, унинг об-ҳаводан ҳам тез ўзгариб туриши, кечагиси бугунгисига тўғри келмай қолишидан нолиётган опа-сингилларимизнинг ҳасратини тушунмай илож йўқ. Шу аснода бежирим фасонлар ўрнига на миллий маданиятимиз ва на миллий ғуруримизга мос келадиган бачкана, ҳатто кулгу уйғотадиганлари пайдо бўлаётгани, кўриб энсангиз қотади.

Тақиқланган нарсага интилиш инсон табиатига хос. Бу каби либосларни кийишни тақиқлаб қўйишдан ҳам фойда йўқ. Бизнингча, энг аввал ёшларимизда кийиниш маданиятини шакллантириш, уларни миллий урф-одатларимиз, аъноларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга эътиборни кучайтириш лозим. Қолаверса, миллий матоларимиздан ҳам замонавий, хорижникидан қолишмайдиган либослар яратиш мумкин.

Ўтган йилнинг октябрида пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида бўлиб ўтган миллий либос фестивалида иштирок этган хорижлик меҳмонлар бизнинг либосларимизга юқори баҳо бергани бунинг яққол исботидир. Фестивалнинг умумий тенденцияси аъноавий миллий либосни «қайта тиклаш», замонавий мода талабларини эътиборга олган ҳолда «асоси ўтмишга бориб тақаладиган» тўпламларни яратишдан иборат эди. Ҳақиқатан ҳам лойиҳада иштирок этувчи дизайнерларнинг либослари содда ва қулайлиги билан ажралиб турарди.


**Готфрид Динни, «Fashionwiresdaily» мухбири (Италия):**

**Тўқувчилар сулоласидан бўлган кўқонлик уста Абдулҳақ Каримов ота-боболари хунарини мукамал ўрганди. У беқасам, банорас матоларини тоза ипақдан тўқиб, улардаги нақшларни сира такрорламайди.**

**Айни кунда устанинг фарзандлари — Ҳакимжон ва Абдувоҳид ҳам мато тўқиш санъатини эгаллаб, сулола вакиллари сифатида ушбу хунарни давом эттирмоқдалар.**

**Суратда: сулола давомчилари уста Абдувоҳид Каримов ва Бобур Каримов ўзлари тайёрлаган беқасам тўнларни кўздан кечирмоқда.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат**



— Мен Париж, Милан ва бошқа жойлардаги кўплаб мода ҳафталикларида бўлганман. Лекин таъкидлашим зарур, Тошкентдагиси улардан дастурининг шакли ва тадбирларга бойлиги билан ажралиб туради. Миллий либос фестивалида жуда мафтункор кийимлар намойиш этилди. Айниқса, менда миллий матолар катта таассурот қолдирди.

**Юрти-мизда бир неча йил-**

дан буён ўтказиб келинаётган Style.uz модалар ҳафталиги иштирокчиси **Александр Шумский** (Россия)нинг куйидаги фикрларига эътибор беринг:

— Бу ерда кўрганларим менга жуда манзур бўлди. Назаримда, сизнинг мода ҳафталигининг нафақат ёш дизайнерларни, балки миллий хунармандчилик ва аъноавий санъатни қўллаб-қувватлаши жуда аҳамиятлидир. Агар хорижий брендлар мода ҳафталигига халқаро эътиборни жалб этиш учун таклиф этилса, ушбу эътиборни ушлаб қолиш учун миллий ўзига хосликлар намойиши

муҳим ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон катта салоҳиятга эга. Негаки, миллий либос бу ерда халқингиз кундалик ҳаётининг ажралмас бир қисмидир. Масалан, Россияда миллий либос ва буюмлар аллақачон сувенерга айланиб қолган. Ўзбекистонда эса одамлар фахр билан ўз миллий либосларини кияди ва замонавий либосларда ҳам миллий элементлардан фойдаланишга ҳаракат қилади.

— Ўзбекистон билан танишув мен учун доим орзу бўлиб келган, — **дейди япониялик жаҳонга машхур дизайнер Такада Кензо.** — Бу ерга келгач, одамларнинг ғайрати, интилувчанлиги ва истеъдодидан таъсирландим. Бугунги либослар намойиши ҳам Ўзбекистонда миллий аъноалар сақланиб келаётгани ва мода замонавий босқичда ривожланаётганидан далолатдир.

Рост, бизда тараққиёт тўхтаб қолгани йўқ. Керак бўлса, дунёнинг манаман деган давлатларидаги тенгдошлари билан баҳслашишга қодир ёшларимиз бор. Биз бугунги мавзуну кўтариш билан тараққиётга тўсқинлик қилмоқчи ёки айрим интернет сайтлари айюҳаннос солаётганидек, ёшларимизни ўрта асрлар домига улоқтирмоқчи эмасмиз. Мақсадимиз битта — ҳар қандай либос, у миллий бўладими, хорижикими, эгнимизга ярашиқли бўлсин, эркинлигимиз бошқа биронинг эрки ҳисобига бўлмаслигини унутмасак. Бир сўз билан айтганда, либослар ўзлигимиз, ор-номусимиз кўзгусига айлансин.

**Жаҳонгир ШАРОФБОВ, «Ishonch» мухбири**

# Фолга ишонманг,

## АММО...

Тиббиёт донишмандлари кафтдаги чизикларни ҳаёт тилсимлари деб аташган. Олимларнинг фикрича, кафтимиздаги чизиклар ҳаётимизда рўй берадиган воқеалар билан боғлиқ экан. Тиббиёт ходимларига бу чизиклар соғлигимизни белгилаб берадиган маълумот вазифини ўтайди. Бунинг учун уларни «ўқиш»ни билиш керак. Лекин бу сирни қандай билиш мумкин?

Аслида кафтдаги чизикларни ўрганадиган алоҳида фан бор, олимлар унга дермоглифика деб ном беришган.

Охириги 20-30 йиллик илмий изланишлар шуни кўрсатдики, кафтга қараб тақдирни «ўқиш» ҳақиқатга яқин экан. Бу сенсация кўп одамларни довдиратиб қўйди. Инсоннинг соғлиги ва интеллекти, ҳатто ўзгарадиган характери унинг кўлларида шифрлангани аниқланди.

Инсон кафтидаги чизиклар она қорнида чақалоқ ривожланиш даврида, яъни ҳомиладорликнинг 3-ойида шакллана бошлайди, шу билан бирга, асаб тизими ҳам ўзгариб боради. Чақалоқнинг она қорнидаги салбий ўзгаришлари ҳам кафтида акс этади. Лекин кўпчилик олимлар буни инкор қилиб, кафтдаги чизиклар меҳнат фаолиятида пайдо бўлади дейишади. Лекин чақалоқ туғилиши билан унинг кафтида тақдир чизикларини кўриш мумкин. Унинг кўлларига қараб оғир жисмоний ва психик касалликларга мойиллиги бор-йўқлигини айтиб бериш мумкин.

### Фолбиннинг сир

Фолбин қўлни ушлаб кафтдаги чизикларни «ўқиш»га назар солганмисиз?! «Ўқиш» даврида у кафтингиздаги йўлларга қўлини қўйиб

ҳаётингиздаги ўзгаришлар, касалингизни айтиб бера бошлайди. Унга ёрдам берадиган нарсалар қуйидагилар: чап қўлимиздаги чизиклар ота-онадан олинган насл орқали шаклланади, ўнг қўл ҳаётда кузатилган воқеаларни кўрсатар экан. Агар ўнг ва чап кафт ўртасида фарқ кам бўлса, бу ҳолат инсон ҳаёти кам ўзгариш билдиради.

Кафтингизни очиб текширинг. Чап, ўнг ва тўғрига кетган қанча чизиклар бор?

### Ҳаёт чизиги

Ҳаёт чизиги одамнинг қандай ҳаёт кечириши, чидамлилиги ва серҳаракатлигини кўрсатади. Чизик кичкина ва кучсиз бўлса, инсоннинг кучсиз ва уятчанлигини билдиради. Агар у занжирча ҳолатида, яъни бўлинган ва майда бўлақчалардан иборат бўлса, бу одамнинг касаллигидан белги беради. Узун, аниқ ва чуқур чизик-ариқча кафтда катта, тўғри чизилган ярим айланани ташкил қилса, кишининг бақувватлиги ва жўшқинлигини билдиради.

Мабодо ҳаёт чизиги бош бармоққа яқин бўлса, бу ҳолат сизликдан дарак бериб, дам олиш кераклигини англатади.

Кафтдаги ҳаёт чизиги биринчи даврда кузатилмайди, кейинчалик аниқ чуқур из пайдо бўлади. Бу чизик ҳаёт қийинчиликлари билан курашиб, енгишимизни кўрсатади. Аниқ чизик — инсоннинг ҳаётдаги интилишлари, мақсадларидир. Ҳаёт чизиги бир текис бўлмаслиги, бир неча бор узиллиши тана ҳарорати баланслиги ва ошқозон муаммолари

борлигидан далолат беради.

### Ақл чизиги

Ақл чизиги инсоннинг интеллектдан далолат беради. Ўнг қўлдаги бу чизик чап қўлга қараганда аниқ кузатилади. Бу чизик қанча узун бўлса, соҳибининг чуқур, мураккаб ва кенг фикр юритадиган одамлигидан далолат. Ақл чизигига қараб инсоннинг фикрлаши, ақлига баҳо бериш мумкин. Ақл чизигини перпендикуляр кесиб ўтган майда чизиклар кўпинча кўп қийнайдиган бош оғриқни кўрсатади.

### Юрак чизиги

Юрак чизиги инсоннинг ҳиссиёти, эмоционаллиги ва кўнгилчанлигини билдиради. Бу чизик ҳаёт даврида ўзгариши мумкин. Агар юрак чизиги аниқ, чуқур ва текис бўлса, бахтли ҳаёт ва соғлом юракдан далолат беради.

Кафтдаги чизиклар ўзига хослигидан инсоннинг саломатлиги ва характерини билиб олиш мумкин.

Оқ ранг, тўлқинсимон чизиклар инсон организмнинг кучсизлигини билдиради.

Чизикнинг бўлиниб қолиши инсоннинг бошига тушадиган ташвишлар, касалликлардан далолат.

Қизил рангли чизиклар кишининг фаол ҳаёти, кечмишидан дарак беради.

Ҳўш, ўз кафтингизга ва атрофингиздаги одамларнинг кўлларига назар солинг. Гоҳида оддий қўл билан саломлашининг ўзи бу одам ҳақида кўп маълумот бериши мумкин. Соғлом одамнинг кафти иссиқ, териси тоза,

кафт териси мўътадил, бўғимлари тўғри шаклда бўлади.

Мармарга ўхшаш кўриниш асаб тизимидаги бузилишлардан белги беради.

Агар кафт териси тўқ сариқ рангда ёки қизғиш бўлса жигар ёки ўт пуфагида яллиғланиш (гепатит, ўт тош касаллиги, холецистит) борлигидан дарак.

Агар кафтингизнинг териси майда пўст ташлай бошласа, бу белги А ва Д витаминнинг етишмаслиги, тери кўп ажралиб тушса, зудлик билан дерматолог шифокорга учрашиш кераклигини кўрсатади.

Доимо муздек қўллар организмда никотин кислота етишмаслигидан далолат беради. Бунинг учун организмдаги витамин захираларини тўлдириш лозим, кўпроқ сут-қатиқ истеъмол қилинг.

Кафтнинг қизиши инсон танасидаги иссиқликнинг ошганидан далолатдир.

Мабодо одам кафтида чумоли юргандек бўлса, бу ҳолат унинг эндокрин тизими бузилишидан дарак беради.

Кафтнинг доимо ҳўллиги ҳам эндокрин тизими бузилишини билдиради.

Кафт териси қуруқ ва оппоқ, яъни рангсиз бўлса, бу ҳолат қалқонсимон без фаолиятининг пасайганини

билдиради.

### Кафтингизнинг қаери оғрияпти?

Бу ҳолат ҳам кўп нарсани кўрсатиб беради. Хитой тиббиётида одам кафтининг энг ўртасидаги нуқта бутун организмнинг энергетик маркази деб ҳисобланади. Ўзингизни текшириб қўйинг: агар иккинчи қўлингизнинг катта бармоғи билан ўша нуқтани кескин боссангиз ва шунда қучли оғриқ сезсангиз — бу соғлигингизда катта муаммо борлигидан далолат беради. Зудлик билан шифокорга учрашинг.

Бош ва кўрсаткич бармоғингиз билан биргаликда иккинчи қўлингиз катта бармоғи асос жойини қисинг. Агарда оғриқ пайдо бўлса, юракда касаллик борлигидан далолат беради. Бу юрак ишемик касаллигининг бошланғич давридир.

Жимилдоқ ва тўртинчи бармоқни уч бўлакка бўлинг. Унинг охириги — учинчи бўлинган жойи жигар ва ўт пуфаги зонасига тўғри келади. Шу жойни босганда пайдо бўладиган оғриқ ушбу аъзоларнинг фаолияти кескин бузилганидан далолат беради.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Суяк-бўғин касалликлари инсонни энг катта қувонч — ҳаракатланиш завқидан маҳрум этади. Ҳафталаб, ойлаб ўтиролмай, юролмай, тўшаққа михланиб ётишни тасаввур қилиш ҳам қийин. Суяк-бўғин аъзоларининг жиддий касалликларига чалинган болани даволаш, унга хизмат кўрсатиш унча-мунча мутахассиснинг қўлидан келмайди.**

Йилига республикада 2800-3000, нафар бола фаол сил билан уларнинг 4 фоизи суяк-бўғин сили билан оғрийди. Силга туртки бўлувчи ҳолатлар — боланинг сурункали касалликлар натижасида камқувват ўсиши, атрофда сил билан оғриган, лекин даволанмаган катта одамнинг бўлиши, серҳаракат боланинг йиқилиб, жароҳат олишидир. Бемор организмда иштаҳанинг пасайиши, тез толиқиш, уйқунинг бузилиши, озиш, тери оқариши, иситма

барвақт бошлашдир.

Пойтахтимизда жойлашган Болалар суяк-сил касалликлари санаторийсида 5 та бўлим фаолият кўрсатади: улар 20 кишилик қабул-диагностика бўлими, 110 та

## Санаторийда

### фақат вақтинча беморлар бор

олди ҳолати, хотира ва ўзлаштиришнинг пасайиши, терлаш, баъзида асабийлашиш кузатилади. Кейинчалик камҳаракатлилик, жароҳатланган ерда оғриқ безовта қилиши, умуртқа поғонасининг айрим қисмларини эҳтиётлаб, куракларни бирлаштириш, «гердайиб» юришга интилиш, касалланган соҳанинг озиши, бўғим юзасининг шиш ҳисобига силлиқлашиши ва лимфа безларининг катталашуви пайдо бўлади. Бола оғрийётган ерини ишлатмасликка ҳаракат қилади, оқсоқланади, тана ҳарорати кўтарилиб, қучли оғриқ туриши мумкин. Ўз вақтида кўрсатилмаган малакали тиббий ёрдам суякнинг анатомик емирилиши, умуртқа поғонаси деформацияси, бўғимларда патологик деструктив чикиш ривожланишига олиб келади. Беморни буткул соғайтириб, ногиронликдан асраб қолувчи ягона ҳолат — даволашни

ўринли 2 та жарроҳлик бўлими, 100 кишилик 2 та консерватив муолажа, рентген, стоматология, физиотерапия хоналари, клиник, бактериологик, биокимёвий лаборатория, дорихона ва бошқалар.

Ҳар йили санаторий 200 га яқин консултация ва яна шунча жарроҳлик операцияси ўтказди. Санаторий ўрта мактаб дастурлари асосида болаларнинг ўқишини давом эттирувчи мактабга ҳам эга.

— Сихатгоҳимизда 1-15 ёшгача бўлган болалар асосан ётоқ режимида даволанади, — дейди санаторий бош ҳамшираси Надежда Андреева. — 1970 йил бу ерга ишга келганимда 500 га яқин бемор даволанар, биз ҳамширалар санитарлар ишини ҳам бажарардик. Ҳозир эса узоқ ҳудудларда жойлашган, шароит тақозоси билан шаҳарга келолмайдиган беморлар уйига шифокор юбора оламиз.

— Сунги вақтда болалар ўртасида суяк-бўғин сили камайиб бораётгани қувонарли ҳол, — дейди санаторий бош шифокори Зарифа Ҳожимухаммедова. — Нохуш ҳолат эса бу касалликка 3 ёшгача бўлган болалар кўпроқ чалинаётганидир. Бу масаланинг икки томони бор: ёш организм тезроқ тузалсада, одатда гўдакнинг силга чалинганини жуда кеч пайқашади. Силга чалинган болалар кам таъминланган оила фарзанди эканлиги, ўз-ўзидан, иктымол масалаларни ҳам ёдга солади. Республикада 29 та болалар санаторийси бўлса, уларнинг аксарияти сил касалликлари билан шуғулланади. Албатта, сихатгоҳимиз олдидан қатор муаммолар турибди. Ўқув дарсликлари чиқариб, стоматологик жиҳозлар, замонавий реабилитация маркази очишга умид қиламиз. Чунки ортопедик касалликлар даволанган, узоқ, малакали реабилитацияни талаб қилади. Шунингдек, мактабга бормаи, даволанаётган бола ўқишда, касбга йўналтирилишда давом этиши керак. Шу нуқтаи назардан компютерларга эҳтиёжимиз бор. Ҳаракати чекланган бола тажанилашади. Уни даволаш, ота-онасидан узоқдалигини билдирмай, кўнглини топиш осон эмас...

Сил 1-2 ҳафтада ўтиб кетадиган касаллик эмас. Суякдаги яллиғланиш йўқолиши учун суяк қайта тикланиши керак. Бу бир неча ой тиббиёт ходимлари назоратида юз берадиган жараён. Уй шароитида бу касалликни даволаш мушкул. Бизнинг ўз ширимиз бор: санаторийда ногирон бола йўқ, фақат вақтинча беморлар бор.

**Гулгун СУЛТОНОВА**



# «Турон санаторийси»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Соҳа жодиллари ва барча  
юртдошларни Мустақиллик  
байрами билан табриклайди ва  
мазкур сиҳатгоҳда дам олиб,  
даволашти тақлиф этади.*

«Турон» санаторийси Тошкент шаҳрида жойлашган юрак-қон томир аъзолари, асаб тизими, андрологик ва гинекологик касалликлари бўлган беморларни даволашга ва соғломлаштиришга ихтисослашган.

Миокард инфаркти бўлиб ўтган беморлар учун саломатликни тиклаш бўлими ишлаб турибди.

Даволаш омилларига иқлим, физиотерапия, бадан тарбия, кам минераллашган хлорид-гидрокарбонат-сулфат-натрийли ва радонли маъданли ванналар, бассейн ва душлар кўринишидаги турли сув билан даволаш усуллари, балчиқ билан даволаш киради.





Ташхис қўйишда ва даволашда компютерли ЭКГ ва УЗД аппаратлари, клиник ва биохимик лабораториялар, ихтисослашган мутахассислар: кардиолог, невропатолог, уролог-андролог, гинеколог, дерматолог, окулист, психотерапевт ва стоматолог фаолият кўрсатади.

Ётоқ жойлари барча қулайликларга эга бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат.

Санаторий ошхонасида ҳар хил ширин, лаззатли парҳез таомлар берилади, «витаминли стол» ташкил этилган.

Бу ерда маданият саройи, кутубхона, спорт майдончалари ишлаб туради. Экскурсиялар уюштирилади.

**Санаторийимизга хуш келибсиз!  
Бизнинг манзил: Тошкент шаҳар  
Шўртепа кўчаси 159-уй.**



Касаба уюшма спорти

Газчилар беллашуви


Жиззах, Сирдарё, Самарқанд вилоятларига хизмат кўрсатувчи «Марказгазтаъминот» унитар корхонаси бирлашган касаба уюшма ташкилотининг мамлакатимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланган навбатдаги анъанавий III Спартакиадаси Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди.

Спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, енгил атлетика (югуриш), мини-футбол, арқон тортиш турлари бўйича тармоқнинг олтимшидан зиёд ходимлари ўз маҳорат-

ларини намойиш этишди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Самарқанд вилояти жамоасига насиб этди. Сирдарёликлар иккинчи, Жиззахликлар учинчи поғонадан жой олишди.

— Кўзланган мақсадга эришдик, — дейди корхона бирлашган касаба уюшма кенгаши раиси Сафарали Азизов. — Авваломбор уч қўшни вилоят ҳудудида меҳнат қилаётган 4890 нафар аъзоларимиз учун спортнинг кундалик эҳтиёжга айланиб, оммалашиб бораётгани қувонарли ҳол.



Шаҳар ва туман босқичларида минглаб спорт ишқибозларимиз фаол иштирок этиб, бугунги финал босқичига улардан энг саралари етиб келишди. Эътиборли жиҳати, бу йилги баҳслар шахмат ва мини-футбол турлари билан бойиди.

Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Эсда қоларли тадбир

Ҳисоботдан ҳисоботгача бўлган давр мобайнида «Қизилқумцемент» ОАЖ тасарруфидаги «Шабада» болалар ёзги оромгоҳида 4482 нафар бахтиёр ўғил-қиз бўш вақтларини мазмунли ўтказиб қайтишган. Аммо, бу йилги сўнгги босқич иштирокида ўтказилган хайрлашув спортнинг бир неча тури бўйича болажонлар қалбланиб туришига шубҳа йўқ.

Хабар

Дилкаш давра давомида ёшлар ҳар жабҳада ўз зукколиклари ва чаққонликларини намоён этишга уриндилар. «Қувноқ стартлар» иштирокчилари, футбол, шахмат-шашка, стол тенниси мусобақалари совриндорларига эсдалик совғалари топширилди.

Муродулла РЎЗИЕВ, «Қизилқумцемент» ОАЖ касаба уюшма кўмитаси спорт йуриқчиси

Спартакиада



Ғолиблар аниқланди

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Наманган 2-тиббийет коллежида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 19 йиллиги олдидан анъанага айланган меҳнаткашларнинг «Саломатлик» спартакиадаси бўлиб ўтди.


Тармоқлараро ўтказилган ушбу спартакиадада армрестлинг, волейбол, миллий кураш, оилавий мусобақа, стол тенниси ва тош кўтариш бўйича умумжамоа ҳисобида 1-ўринга таълим ва фан, 2- ва 3-ўринларга давлат муассасалари ва жамоат хизмати ҳамда соғлиқни сақлаш ходимлари жамоалари сазовор бўлишди. Иштирокчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ЭРМАТОВА, ЖТСЖ вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Теннис

Истомин ва Федерер қаршилиги

АҚШнинг Цинциннати шаҳрида теннис бўйича эркалар ўртасида ўтказилаётган «Masters» туркумидаги нуфузли халқаро турнир давом этмоқда. Унда дунёнинг энг кучли ракетка усталари сафида юртдошимиз Денис Истомин ҳам иштирок этапти.



Теннисчимиз дастлабки учрашувда Жеймс Блэйкка (АҚШ) қарши кортга чиқиб, 6:3, 6:0 ҳисобида муваффақиятга эришди. Вакилимиз навбатдаги баҳсда Цинциннатидаги турнирнинг уч карра ғолиби, дунё рейтингда иккинчи ўринда турган Рожер Федерер (Швейцария) билан кортга чиқади.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида хотин-қизлар ўртасида бўлиб ўтаётган халқаро теннис турнирида ҳамюртимиз Албина Хабибулина

дастлабки галабасини нишонлади. Истеъдодли теннисчи биринчи босқичда россиялик Ксения Кирилловадан 7:6, 2:6, 6:4 ҳисобида устун келди ва кейинги беллашувда яна бир мезбон спортчи Анна Рапапорт билан рақобатлашадиган бўлди.

Жуфтликлар баҳсида Александра Артамонова (Россия) билан ҳамкорликда ўйнаётган Албина дастлабки беллашувда мезбонлардан Арина Маренко ва Анна Рапапортни 7:5, 3:6, 10:5 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Болалар спорти

Муҳиддин ёшлигидан курашга меҳр кўйди. Чунки боболари, амакилари давраларда эл олқишини олган. Акалари Бердиёр, Абдурашид, Бахтиёр, Бегим Тўраев нафақат тўйкурашларда, балки расмий мусобақаларда ҳам галабаларга эришиб, спорт устаси меъёрларини бажарган. Табиийки, барча бу оилага ҳавас билан қарайди.

Оққан дарё оқаверади

18 йилдирки Муҳиддин Тўраев Нишон тумани халқ таълими бўлимига қарашли 2-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида директор лавозимида ишлаб келмоқда.

Мактабда 481 нафар ўқувчи миллий кураш, баскетбол, оғир атлетика, стол тенниси, спорт гимнастикаси ва футбол бўйича таҳсил оляпти. Шуғулланувчиларнинг 93 нафарини қизлар ташкил этади.

— Ўқувчиларимиз Таллимаржон шаҳридаги стадион

ва БЎСМ спорт залида, шунингдек, шаҳардаги иккита ўрта мактаб залларида машғулотлар ўтказилади, — деди Муҳиддин Тўраев. — Мураббийлар Умид Маждидов, Халил Намозов, Шерали Юсупов ўз касбининг усталари. Шогирдим Дилмурод Мавлонов самбо бўйича Осиё чемпиони, жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори. Айни пайтда Швецияда шартнома асосида мураббийлик фаолиятини олиб борапти.

Ўқувчиларимиз орасида истеъдод эгалари кўп. Жорий

йилда белбоғли курашчиларимиз «Умид ниҳоллари» спорт мусобақасининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, спорт гимнастикачилар учинчи поғонани банд этди. Шунингдек, Темур Мавлонов, Муҳаммад Раҳимқулов, Эргаш Қаршиев, Алибек Омонов каби курашчиларимиз вилоят ва республика мусобақаларидан совриндор бўлиб қайтишмоқда.

Муаммоларимиз ҳам йўқ эмас. Ёмғирли мавсумда спорт залимиз тоmidан чакка ўтади. 2007 йилда «қора



қоғоз» ётқизилиб, таъмирланганди. Бироқ 2008 йилдаги қаҳратон қиш совуғи таъсирида томимиз яна таъмирталаб бўлиб қолди. Агар туман мутасаддилари ушбу муаммо ечимига ёрдам беришса, ташқи ва ички таъмир ишларини ўзимиз амаллардик...

Акмал АБДИЕВ

Бугунги ёшлар

Соҳибжамол кумқўрғонлик, доврўғли Тўра полвоннинг олтинчи фарзанди. Салкам эллик ёшида ҳам енг шимариб, давра айланиб, кураги ерга тегмаган полвон беш ўғлида ўз давомчиларини кўрарди. «Шажарамиздан албатта жаҳон чемпиони чиқади» деб ният қилган ҳам шу — Тўра полвон эди. Қизи Соҳибжамолнинг сўзларини эшитиб, ҳайрон бўлмади ҳам. Полвонлик йигитларга хос деб ўтирмади.

Соҳибжамол ва унинг издошлари

Аксинча, қизининг қўлидан етаклаб, кураш тўғарагига олиб борди. «Насиб этса, сендан катта полвон чиқади», деб оқ фотиҳа берди.

— Ўзим ўқиган 41-умумтаълим мактаби, мен учун пиллапоя вазифасини ўтади, — дейди Соҳибжамол Холиқулова. — Устозим, спорт жонкуяри Ҳасан ака Абраҳматовнинг рағбатлантиришлари куч берди. Ўқиш ва ўрганишдан асло

эринмадим.

— Соҳибжамолнинг курашга бўлган қизиқишини кўриб, қизлар учун кураш тўғарагини ташкил этдим, — дейди Ҳасан Абраҳматов. — Соҳибжамол 2009 йилнинг октябрида қизлар ўртасида кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритди. Бундан нафақат кумқўрғонлик, балки барча сурхондарёликлар фахрланди.

Жаҳон чемпиони Соҳибжамол Холиқулованинг Кумқўрғонда издошлари тобора кўпайиб бормоқда. 460 ўринли биринчи тип ҳамда ёпиқ болалар спорти мажмуаларигина эмас, ҳатто тумандаги 44 та умумтаълим мактабларидаги намунали жиҳозланган спорт заллари ҳам ишқибозлар билан доимо гавжум.

Рустам ДАВЛАТОВ, «Ishonch» мухбири

Россиянинг «Росавиация» федерал агентлиги ўтказган текширувлар натижасига қараганда, мамлакатда фаолият юритаётган авиакомпанияларнинг 42 фоизи молиявий танг аҳволда қолган.



# МОЛИЯВИЙ ТАНГЛИК

2008 йилда «AirUnion» бирлашмаси парвозлари тўхтатилганидан сўнг агентлик авиакомпаниялар молиявий ҳолати мониторингини йўлга қўйиш зарурлиги ҳақида таклиф билдирган. Ҳозирда бешта энг йирик йўловчи ташувчи компанияларнинг («Аэрофлот», «Трансаэро», «Сибирь», «Ютэйр» ва «Оренбург авиалиния-


си») молиявий ҳолати барқарор. Авиакомпаниялар рейтингида 6-дан 17-гача ўринда турган бошқа компаниялар эса танг аҳволда. Уларнинг қарздор бўлиб қолишига жаҳон молиявий инқирози даврида қатнов ҳажмининг кескин қисқариб кетиши сабаб бўлган. Маълумотларга кўра, бу даврда йўловчилар қатнови 9,5 фоизга, бошқача қилиб айтганда деярли 5 миллион кишига камайган.

# Германияда очик эшиклар куни

Германияда 21-22 августда очик эшиклар куни бўлиб ўтади. Ҳар йили ўтказиладиган ушбу тадбир бу йил «Расмий ташрифга таклиф» («Einladung zum Staatsbesuch») шиори остида ташкил қилинмоқда.

Унда фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволлар бўйича ҳукумат вакилларига мурожаат қилишлари ёки шахсан Ангела Меркел билан учрашишлари мумкин.

Муҳокамаларда мамлакат молия вазири Волфганг Шойбле ҳамда собиқ ташқи ишлар вазири Ханс-Дитрих Геншер иштироки режалаштирилмоқда. Тадбир доирасида жами 400 та катта-кичик учрашув бўлиб ўтади. Немис ҳукуматининг иккинчи матбуот котиби Кристоф Штегманснинг сўзларига қараганда, ушбу 12-очик эшиклар куни ҳукуматнинг фуқаролар билан очик мулоқотга киришишга доим тайёрлигини яна бир бор таъкидлаш мақсадида ташкил қилинмоқда. Қатнашчилар билан учрашувга жами 14 та вазирлик вакили ташриф буюради.



# «Одамзод айбдор эмас»

Олимлар мамонтларнинг йўқ бўлиб кетиши билан боғлиқ янги фаразни олға сурмоқда. Унга кўра, ушбу баҳайбат сут эмизувчиларнинг қирилиб кетишида одамзод айбдор эмас. Тадқиқотчиларнинг бу борадаги изланишлари натижаси «Quaternary Science Reviews» журналида эълон қилинди.




Паҳмоқ мамонтлар Ер юзидан бундан 4,5 миллион йил олдин пайдо бўлган ва тахминан 10 минг йил аввал қирилиб кетган. Бу жониворларнинг йўқолиб кетишининг аниқ сабаби ҳозиргача маълум эмас, лекин энг кўп таъқалган фаразлардан бирига қараганда, уларни одамлар қалин юнги ва гўшти учун овлаб, қириб юборишган.

Янги фараз муаллифлари мамонтлар яшаган даврдаги Ер иқлими ва уларнинг яшаш шароитининг моделини яратишга қарор қилишди. Филларнинг юнгли қариндошларининг асосий емиши ўсимликлар, турли ўтлар бўлган. 10 минг йил аввал тугаган сўнгги кенг кўламли музлаш даврида Ерда иқлим совуқ ва қуруқ бўлган. Мамонтлар яшайдиган ҳудудлар эса, асосан, ўт-ўсимликлар билан қопланган.

Музлик даврдан кейин Ерда иситиш бошланган ва дарахлар ўсиб, ўтлоқ майдонларни сиқиб чиқара бошлаган. Шундай қилиб, мамонтларнинг асосий озуқа манбаи жуда камайиб кетган ва бу ўз-ўзидан уларнинг қирилиб кетишига олиб келган.

Олимлар Австралия ва Океанияда яшаб ўтган илк одамлар баҳайбат шохдор тошбақаларни қириб юборишгани ҳақидаги далилларни топишди.



# Баҳайбат тошбақа кушандалари

Тадқиқотчиларнинг шундай фаразни тасдиқловчи бир қатор далиллар келтирилган мақола «Proceedings of the National Academy of Sciences of the United States» журналида нашр этилди.

Изланувчилар «Янги Гебридлар» ороллари гуруҳига мансуб Эфате оролида «Meiolania» турига оид йирик шохдор тошбақанинг суякларни кўмилган жойни топишган. Мегафаунага мансуб бундай тошбақалар Австралия ва Океанияда шу гуруҳ жониворларига нисбатан узоқроқ яшаган. Баҳайбат ҳайвонларнинг асосий қисми 50 минг йил аввал қирилиб кетган.

Олимлар суякларнинг ёшини аниқлашга муваффақ бўлишди — уларнинг ёши 2890-2760 атрофида эди. Тахминларга қараганда, илк одамлар Эфатеда 3000 йил олдин пайдо бўлган. Уша даврда одамлар ва баҳайбат ҳайвонларнинг ёнма-ён турмуш кечиргани ҳақидаги маълумотларни ҳамда тошбақалар танасининг фақат ейишга яроқли қисми кўмилганини эътиборга олиб, олимлар мазкур ҳайвонлар гўшт учун ўлдирилган, деган хулосага келишган.

# Айиқлар оиласи меҳмонга келди

Норвегия чегараси яқинидаги ўрмонда жойлашган белгиялик ва нидерландиялик саёҳатчиларнинг чодирларига она айиқ болалари билан «ташриф буюрди». Хайриятки, бу кутилмаган ташрифдан ҳеч ким жабрланмади. Жониворлар чодирларга эрталабки соат бешларда, ҳали саёҳатчилар ухлаётган пайтда келган. Айиқлар лагерни кезиб юрган пайтда, саёҳатчилардан бири — 11 ёшли болакай ҳожат учун ташқарига чиққан. Айиқлар эса уларни кўриб қўрқиб кетган болакайнинг ҳаракатларига заррача ҳам эътибор бермай, хотиржам ўрмон ичига кириб кетишган.

Лекин бир неча соатдан кейин сайёҳлар уйғониб, нонушта қила бошлаганларида она айиқ болалари билан яна меҳмонга келди. Жониворларнинг яна пайдо бўлганидан хавотирланган саёҳатчилар раҳбари, хавф-хатардан сақланиш учун ҳаммага машиналарга чиқишни буюрган. Хавфсиз масофага бориб олиб, сайёҳлар ўз меҳмонларини суратга ола бошлашди.



# 6 ёшли миллионер қизча

Хитойлик олти ёшли У Цини исмли қизча миллионер ва мамлакатдаги энг бой акционер-болага айланди. Унинг бойлиги бир миллион юандан сал ортиқ (154 минг АҚШ доллари) деб баҳоланган.



2009 йилда қизчанинг отаси автохалокатда оламдан ўтганидан сўнг, «Sunflower Light Energy Science & Technology Limited Liability Company» компаниясининг 62500 акцияси унга мерос бўлиб қолган. Хитойнинг Чжэцзян вилоятидаги Шаосин округида жойлашган ушбу компания ўз акцияларининг биринчи жойлаштириш операцияларини (IPO) бошлади. Натижада қизчага мерос сифатида ўтган акциялар пакетининг нархи 1,05 миллион юанга тенг бўлди.

У Цини у ёки бу компаниялар акцияларининг эгаси бўлган ёш Хитой миллионерлари рекордини ҳам янгилади. Бундан аввалги рекорд нархи 10 миллион юанга тенг 220 минг акция соҳиби бўлган 13 ёшли болага тегишли эди.

«Forbes» журналида ёзилишча, Лас-Вегас АҚШнинг энг «зўриққан» ва «асабий» шаҳарлари учлигига етакчилик қилмоқда. «АҚШнинг пул-ютуқ ўйинлари бизнеси пойтахти» деб таъриф этиладиган бу шаҳардан кейинги ўринларда Лос-Анжелес ва Хюстон турибди.

# АҚШдаги энг «асабий» шаҳар

Рўйхатни тuzувчилар АҚШнинг энг йирик шаҳарларини олтига омил бўйича баҳолашган: ишсизлик даражаси, иш кунининг узунлиги, иш жойининг узоқ-яқинлиги, соғлиқни сақлаш хизматларининг сифати ва аҳолига қулайлик даражаси, аҳолининг доимий жисмоний меҳнат билан шуғулланмайдиган қисмининг саломатлик даражаси. Натижада Лас-Вегас шаҳри ушбу кўрсаткичларга энг яқини ва «мос»и деб топилди.

Миллионлаб америкаликларнинг кўнгил очиш, асабларига дам бериш учун шу шаҳарга келишларига қарамай, Лас-Вегасда доимий яшовчи аҳоли ак-



сар ҳолларда кундалик асабий зўриқишлар таъсири остида бўлади. Масалан, тадқиқотчиларнинг фикрича, доимий асаббузарликка сабаб бўладиган ишсизлик муаммоси шаҳарда 14,5 фоизни ташкил қилади. Шу билан бирга, шаҳарнинг 30 фоизга яқин аҳолиси сўнгги ойларда бир марта ҳам спорт залларига бормаган ва асабларни тинчлантирувчи ва соғлиқ учун фойдали бўлган жисмоний фаолият билан шуғулланмаган. Шаҳарнинг рейтингда бундай ўрин олишига ўз аҳолисининг саломатлик даражаси сабаб бўлди — тадқиқот даврида шаҳарнинг 23 фоиз аҳолиси ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган.

# Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллиги жамоаси Шимолий-Ғарбий ҳарбий округ Сержантлар тайёрлаш мактаби касаба уюшма кўмитаси раиси Шарофат Девановага волидаи муҳтарамаси

**РОЗА** аянинг

вафот этганлиги муносабати билан ҳамдard-лик билдиради.

Ўзбекистон савдо ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Тошкент вилоят тармоқ касаба уюшмаси кенгаши жамоалари вилоят кенгашининг Тошкент тумани бўйича вакили Гулзода Юнусовага турмуш ўртоғи **Хайрулло ЮНУСОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

